БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 46 (19.422). • 1986 йил 23 февраль, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

МЕҲНАТИМИЗ — ПАРТИЯ СЪЕЗДИГА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ВЦСПС ВА ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Мамлакатдаги бир қанча корхоналар ва ташкилотлар илғор коллективларининг ташаббуси билан 1986 йил 15 февралда КПССнинг XXVII съезди шарафига Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги ўтказилди. Шанбалик мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришга оид партия режаларини бутун халқ маъқуллаётганлигининг, меҳнаткашлар КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга қизғин интилаётганлигининг ёрқин далили бўлди.

Шанбаликда 153 миллион киши қатнашиб, улар ўз иш жойларида — саноат корхоналарида, қишлоқ хўжалигида, транспортда, қурилишда ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида, шунингдек шаҳарлар ва аҳоли пунктларини ободонлаштиришда меҳнат қилдилар. Шанбалик қатнашчилари ўзларининг унумли меҳнати билан қабул қилинган съездолди мажбуриятларини, ўн иккинчи беш йиллик биринчи йили топшириқларини бажариш ва ошириб адо этишга муҳим ҳисса қўшдилар.

Шу куни 1338 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Кўпгина меҳнат коллективларида одатдаги кунларга қараганда кўпроқ маҳсулот тайёрланган. Ана шу маҳсулотнинг анчагина ҳажми тежалган хом ашё, материал ва ёқилғи ҳисобига тайёрланди. Ғоят харидоргир буюмларни планга қўшимча равишда ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилди.

Шанбалик иштирокчилари салкам 200 миллион сўм ишлаб топдилар ва ана шу маблағни ўн иккинчи беш йиллик фондига ўтказдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети партия XXVII съезди шарафига ўтказилган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигида актив қатнашганликлари учун ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларга самимий миннатдорчилик билдирадилар. Шанбаликда ишлаб топилган маблағ меҳнаткашларнинг истакларини ҳисобга олиб қишлоқ, район ва шаҳар соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда мактабгача тарбия болалар муассасаларини қуриш ва уларни жиҳозлашга сарфланади.

ВАТАНПАРВАРЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

Йигит Ватан олдидаги бурчини ўташга чақирилди. У қуролдош сафдошлари қаторига келиб қўшилар экан, илк бор жанговар интиҳондан ўтади. Бу синовнинг қандай кечиши жойларда олиб борилган тайёргарлик-тарбиявий ишларнинг савиясига боғлиқ. Социалистик тузумга юксак садоқат, она-Ватанга чексиз меҳр-муҳаббат, коллективчилик, мақсад сари интилувчанлик каби совет кишиларига хос муҳим фазилатлар шакилланганми!

Партия ва ҳукуматимиз ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни кучайтиришга алоҳида эътибор бераётир. Аксарият жойларда бу соҳадаги иш бугунги куннинг юксак вазифалари билан уйғун ҳолда олиб борилишига эришилаётир. Ҳарбий комиссариатлар ходимлари, «Билим» жамияти аъзолари, комсомоллар орасида бундай фаолият билан астойдил, изчил ва самарали шуғулланаётганлар жуда кўп. Ўрта мактабларда, ҳунар-техника билим юртлари, техникум ва институтларда ёш авлодни Ватан мудофаасига тайёрлаш, ўргатишнинг муайян системаси таркиб топган.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини олиб боришда ҳарбий комиссариатлар зиммасига алоҳида масъулият юкланади. Мардлик ва ватанпарварлик мактаби, мамлакатимиз Қуролли Кучларининг ишончли резерви ва ёрдамчиси — ДОСААФ ташкилотлари Армия ва Флот учун малакали кадрлар тарбиялаш, меҳнаткашларни Ватан ҳимоясига тайёрлашда актив иш олиб бораётирлар.

Ёшларга ҳарбий хизмат кўникмаларини сингдиришда фаоллик кўрсатаётган ташкилот ва коллективлар оз эмас. Бухоро области, Тошкент шаҳридаги Ҳамза, Куйбишев, Тошкент областининг Ўрта Чирчиқ районлари ҳарбий комиссариатлари иши бу жиҳатдан эътиборга лойиқ. «Фергананефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмаси ДОСААФ бошланғич ташкилоти ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг дастлабки ҳарбий тайёргарлиги билан изчил шуғулланмоқда. Барча цехларда жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати музейлари ишлаб турибди. Турли ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги тўгаракларда машғулотлар уюшқоқлик билан ўтмоқда. Самарқанд область, Каттақўрғон районидаги «Правда» совхози, Ўрмонликдзе районидаги айрим мактаблар ДОСААФ ташкилотларида ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашда муайян тажриба орттирилган.

Чинихон Ибрагимова, Фармон Турдиев, Йўлдош Бобожонов, Отамурод Ҳусенов... Республикамизда ўз ҳаётларини революция ишига бағишлаган, ёшларда социалистик Ватанга чексиз муҳаббат ҳисларини сингдириш билан узлуксиз шуғулланиб келаётган партия ветеранлари кўп. Инқилоб чавандозларини мактаб ўқувчилари ҳузурида, зарбдор қурилиш бинокорлари, ишчилар ва пахтакорлар даврасида учратиш мумкин. Уларнинг оташин сўзлари ёшлар учун ибратли ҳаёт сабоғи бўлиб жараянгламоқда. Барчани юксак ғоялар йўлида мардликка, Ватан истиқболи йўлида жасорат кўрсатишга тайёр туришга чоғламоқда. Шу маънода партия, совет, комсомол ташкилотларининг партия, уруш ва меҳнат ветеранларига эътиборни янада кучайтириши, уларнинг кенг омма билан жонли мулоқоти имкониятларидан самарали фойдалана билиши ниҳоятда муҳимдир.

«Ҳозирги вазиятда, — деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев, — совет кишиларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш аҳамияти ортиб бормоқда». Албатта, бу иш изчил, жанговар, ҳужжмкор руҳда олиб борилиши, унда ёшларнинг савияси, қизиқиши, шахсий хусусиятлари инобатга олиниши керак. Хўш, ҳар доим ҳам шундай қилинаётирми! Афсуски, жойларда ҳамон ортиқча бамайлихотирлик, камчиликларга муросасозлик, расмиятчилик ҳоллари рўй бериб турибди. ДОСААФнинг айрим мактабларида зарур ўқув моддий базаси вужудга келтирилмаган. Ховос, Денов районлари автомактабларида ўқитиш сифати паст. Сурхондарё, Хоразм ва бошқа айрим областларда мактаблар ва ҳунар-техника билим юртлари ва техникумларда бошланғич ҳарбий тайёргарлик машғулотлари саёз савияда ўтказилмоқда.

Совет Армияси ва Флотига жисмоний баркамол, ҳар томонлама чиниққан бақувват ёшлар керак. Аммо ҳамма ерда ҳам бу муҳим вазифа давлат нуқтаи назаридан ҳал этилянти, деб бўлмайди. Ўқувчиларнинг ГТО комплекси нормаларини топшириши устидан контрол бўшаштириб юборилган. Баъзи коллективларда эса эришилган ютуқларга баҳо беришда расмиятчилик ва процентларга маҳлиё бўлишларга йўл қўйилмоқда. Навоий областида ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг бир қисми ГТО нормаларини топширолмаётир. Жиззах областида ёшларнинг севимли маскани бўлиб қолаётган жанговар шон-шуҳрат музейларини кўпайтириш билан жиддий шуғулланиш лозим. Ёшларни оммавий спортга қатъият билан кенг жалб этиш, спортнинг техник ва ҳарбий амалий турларини янада ривожлантириш муҳимдир.

Ҳарбий ўқув юртларига ёшларни кўпроқ жалб этиш зарур. Офицерликдек шарафли касбга қизиқувчилар ҳам кам эмас. Аммо бу масалада сўз ва иш бирлигига эришилмаётир. Мактаб тарбиясининг бўшлиги, рус тилини яхши ўзлаштирмаслик сабабли айрим курсантлар ўқишни давом эттиролмаётирлар. Ҳарбий учёт-интизомининг бузилаётганлиги, армияга чақирилувчиларни медицина йўли билан хизмат қилиш учун танлаб олишда жиддий хатоликлар рўй бермоқдаки, партия, совет органлари, ҳарбий комиссариатлар маъмурияти ва партия ташкилотлари бу масалаларга эътиборни кучайтиришларини тақозо этмоқда.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини кучайтириш имкониятлари кўп ва хилма-хилдир. Клуб, кутубхона, маданият саройи, музейлар бу ўринда муҳим роль ўйнаши яхши маълум. Аммо ҳамма маданият муассасалари ҳам бу вазифани муносиб даражада уддалаётгани йўқ. Ватанпарварлик ҳисларини тарбиялашда бадиий асар ва ҳужжатли-хроникал ленталардан фойдаланишни кенгайтириш керак. Халқимиз бахт-саодати йўлида жон фидо қилган жангчилар хотираси учун ўрнатилган ёдгорликларга ёшларнинг экскурсияларини уюштириш, чор-атрофда яшовчи кишилар бу ёдгорлик кимнинг шарафи учун қўйилганлиги, қўча, мактаб, колхоз, совхоз ва корхоналар кимнинг номи билан аталаётганлигини билишлари ҳақида қайғуриш лозим. Нашриётлар ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги бадиий юксак, ғоявий пишиқ асарларни кўпроқ нашр этишлари керак.

Совет граждаплларини, айниқса ёшларни Ватан олдидаги бурчни адо этишга тайёрлаш муҳим партиявий ишдир. Партия ва комсомол комитетлари, совет ташкилотлари меҳнаткашларни Ватанга муҳаббат, Ленин ишига, халқимизнинг шонли анъаналарига садоқат руҳида тарбиялашда кун сайин изчил иш олиб боришлари керак.

КПСС XXVII СЪЕЗДИНИНГ ОЧИЛИШИ ТУҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезди делегатларига съезд 25 февраль куни эрталаб соат 10 да Кремлнинг Съездлар саройида очилишини маълум қилади.

Пешқадамлар намунаси

Мусобақа пешқадамларининг шавкатли меҳнатини умумхалқ ардоқлаши илғор коллективларни СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ «Ҳурмат тахтаси»га ёзиб бориш анъанасида ифодаланган. Москва шаҳри ва области меҳнаткашларининг 22 февралда бўлиб ўтган митинги ана шу шонли воқеага бағишланди.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1985 йилги Давлат плани ҳамда ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг якунлари бўйича жами 739 коллектив «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси бош комитетининг раиси Г. И. Марчук митингни очди.

Митингда сўзга чиққан кишилар юксак мукофот янги ижодий куч, сиёсий активлик ва меҳнат ғайратини жўш урдириши тўғрисида гапириб, янада унумли, тежамли, юқори сифат билан ишлаш, 1986 йил — КПСС XXVII съезди йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш — барча коллективларнинг шон-шараф бурчидир, деб таъкидладилар.

(ТАСС).

КПСС XXVII съезди делегатлари

ВРАЧ

— Раҳмат, доктор опа! Жуда яхши нўраяпман.

— Мен сиздан шифо топдим. Бир умр миннатдорман.

Назира опа ҳузурига ошиқаётган одамлар дил сўзларини қайта-қайта такрорлар, ўзларининг бахтиёрлик дамларини ўйлашарди. Ҳа, шифокор меҳр билан даволади. Бемор қайта оламга келгандай бўлди: гулнинг рангини, шивирлаб оқаётган сувларнинг майин тўлқинини, одамларнинг табассумини, дунёнинг гўзаллигини кўрди. Бу оламга тўйиб-тўйиб боқди. Шифокорга яна бир бор дилдан ташаккур айтди:

— Раҳмат сизга, Назира опа!

Уйчи район касалхонаси врачи Назира Жуманова бир неча йилдирки, касбини ардоқлаб келмоқда. У шу йиллар мобайнида юзлаб, минглаб беморларнинг кўзини даволаб, дардига малҳам берди, ишончини қозонди. Партия ва ҳукуматимиз Н. Жумановани хизматини муносиб баҳолади. У «СССР халқ врачи» унвонига сазовор бўлди.

Наманган область партия конференциясида моҳир шифокор Назира Жуманова КПСС XXVII съездига делегат этиб сайланди.

СУРАТДА: Н. Жуманова ҳамкасблари даврасида.

И. ЗАРАФШАНСКИЙ фотоси.

ДЕПУТАТ — ХАЛҚ ХИЗМАТКОРИ

Қашқадарё область, Деҳқонобод районидаги Крупская номли совхознинг чўпони, район Советининг депутати Хушвақт Эшқобилов шу хўжалик меҳнаткашларига ҳисобот берди.

У ўз нутқини янги беш йилликда деҳқонлар ва чорвадорлар олдида турган актуал вазифаларга, хўжаликни социал-иқтисодий ривожлантириш чораларига, ишлаб чиқаришни интенсивлаш, жамоат подаси маҳсулдорлигини ошириш, Ҳисор тоғининг этакларида ястанган совхоз посёлкаларини ободонлаштиришга бағишлади. Депутат сайловчилар берган наказларни бажара бориб, дурустгина натижаларга эришди: совхозда автомат телефон станцияси ишлай бошлади, йўлларга асфальт ётқизилмоқда, водопровод ўтказилмоқда.

Тўрткўл шаҳар Советининг депутати, хўжалик рўзғор буюмлари заводининг директори Исмоил Зарипов, Бувайда район Советининг депутати, К. Маркс номли колхоз аъзоси Маҳбуба Турсунова, Шаҳрихон шаҳар Советининг депутати, шойи фабрикасининг тўқувчиси Садбархон Абдунабиева, Сурхондарё область Аёгор қишлоқ Советининг депутати, Ленин номидаги 2-ўрта мактаб директори Азим Ҳайитов ва бошқа халқ хизматкорлари ўзларининг юксак бурчларини қандай бажараётганликлари тўғрисида сайловчиларга маълум қилдилар.

Йиғилишларнинг қатнашчилари ҳамма даражалардаги халқ депутатлари Советлари фаолиятини барча чоралар билан такомиллаштиришга, экономика ва маданиятнинг ҳамма соҳаларига уларнинг таъсирини кучайтиришга, СССР Конституцияси Советларга бериб қўйган ҳуқуқлардан мумкин қадар тўлароқ фойдаланишга эътибор бердилар. Сўзга чиққанлар ҳозир ҳар бир меҳнат коллективи КПСС XXVII съезди шарафига эришган ютуқлари тўғрисида рапорт бериб, партия билан халқ ҳаётидаги шу муҳим воқеани ишда энг баланд кўрсаткичлар билан нишонлаётганлигини таъкидладилар.

(ЎзТАГ).

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

КУНИГА 1,5-2 НОРМА

КПСС XXVII съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдирган «Ҳурмат Белгиси» орденли «Узбекнефтегазгеология» бирлашмаси ишчилари ва инженер-техник ходимлари ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили дастлабки квартали планларини муваффақиятли бажардилар. Коллектив табиий газ запасларини ўстириш уч ойлик планнни 105 процентга адо этди. Бу зафарга Аланг фойдали қазилмалар майдонида ишлаётган Косон геология-қидирув экспедицияси хазинакорлари катта ҳисса қўшдилар.

Қарши геология-қидирув экспедицияси пармаловчилари эса съездлар йилининг ўтган кунлари мобайнида 13 минг погон метр қудуқ пармалаб, белгиланган планларни ортиғи билан бажардилар. Чуқур қудуқлар пармалаш бўйича республикада донгдор Сурхондарё нефтьгаз қидирув экспедициясининг коммунист А. Бобожонов бошлиқ бригадаси аъзолари яхши натижага эришдилар. 850 метр ўрнига 1323 метр пармалаш ишларини бажардилар. Геологлар съезд кунларида бир яримкки нормадан иш бажариш учун ҳозирданоқ бутун ички резерв ва имкониятларни ишга солмоқдалар.

ШАХСИЙ ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикаси ипак ўровчиси, Ўзбекистон Компартияси XXI съезди делегати Иқболой Абдуллаева 1986 йил дастлабки квартали шахсий плани ошириб бажарилганлиги ҳақида корхонада биринчи бўлиб ғалаба рапортига имзо чекди. Бу билан у КПСС съезди шарафига қабул қилган сўзининг устидан чиқди. Пландаги 298 килограмм ўрнига 321,3 килограмм ипак ўради. Ой охиригача яна 6,7 килограмм ипак ўраш учун ғайрат билан ишламоқда.

Иқболойнинг ҳамкасби коммунист Фотима Жабборова ҳам съездлар йилининг ўтган кунларида 312,4 ўрнига 336,6 килограмм ипак ўраб, биринчи квартал шахсий планини ортиғи билан адо этди.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СССР мудофаа министрининг БУЙРУҒИ

1986 йил 23 февраль **№ 45** **Москва шаҳри**

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!

Прапорщик ва мичман ўртоқлар!

Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Совет Қуролли Кучларининг ветеранлари, ўртоқлар!

Бутун совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флотининг 68 йиллигини байрам қилмоқдалар. Бу байрам Коммунистик партия билан Совет давлати ҳаётидаги муҳим воқеа — КПССнинг XXVII съезди очилиши арафасида нишонланмоқда.

Барча совет кишилари сингари армия ва флот жангчилари жонажон партиямиз съездини юксак меҳнат ва сиёсий активлик вазиятида кутиб олмоқдалар. Улар КПСС билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель ва октябрь Пленумларининг социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришга, мамлакат мудофаасини янада мустаҳкамлашга қаратилган қарорларини якдиллик билан маъқуллашмоқдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар.

Коммунистик партия, Совет давлати ленинча ташқи сиёсий йўлга қатъий амал қилиб, қуролланиш пойгасини жиловлаш, халқаро вазиятни соғломлаштириш, янги жаҳон урушн хавфини бартараф этиш, СССР билан АҚШ, Варшава Шартномаси билан НАТО ташкилотлари мамлакатлари ўртасида вужудга келган ҳарбий-стратегик мувозанатни сақлаб қолиш учун қатъий курашмоқдалар. СССР ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг тинчлиқ тўғрисидаги янги ташаббусларини бутун совет халқи, чет эллардаги тараққийпарвар кишилар маъқулламоқдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар.

Бироқ империализмнинг реакцион кучлари халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлига ғов солишни давом эттириб, қуролланиш пойгасини авж олдирмоқдалар ва шундай пойгани космосга ёйишга интилмоқдалар.

Ҳозирги мураккаб халқаро вазият совет кишиларидан, Қуролли Кучлар жангчиларидан юксак сезгирлик ва мустаҳкам иродани, фидокорона меҳнат қилишни, давлатимизнинг мудофаа қобилиятини ва Совет Қуролли Кучларини жанговар қудратини зарур даражада сақлаб туришни тақозо этади.

Коммунистик партия билан совет халқига чексиз содиқ бўлган Ватаннинг қуролли ҳимоячилари ўзларининг жанговар маҳоратини қатъият билан такомиллаштириб, мамлакатимизнинг муқаддас чегараларини мустаҳкам қўриқламоқдалар. Улар Варшава Шартномасига қатнашувчи давлатларнинг жангчилари билан ягона сафда туриб социализм ғалабаларини ҳимоя қилишга, ўзларининг ватанпарварлик ва интернационал бурчини муносиб равишда бажаришга ҳамиша тайёрдирлар.

Армия ва флот жангчилари, ўртоқлар!

Қуролли Кучларнинг ветеранлари, ўртоқлар!

Сизларни умумхалқ байрами — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни билан табриклайман!

Қуролли Кучларнинг бутун шахсий составига жанговар ва сиёсий тайёргарликда, ҳарбий маҳоратни такомиллаштиришда, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлашда янгидан янги муваффақиятлар тилайман.

Қуролли Кучларнинг ветеранларига сиҳат-саломатлик тилайман, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳарбий хизматга тайёрлаш борасида уларнинг фаол ишлашларини истайман.

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 68 йиллигини нишонлаш юзасидан буюраман:

1986 йил 23 февраль куни маҳаллий вақт билан соат 21 да Ватанимиз пойтахти — Қаҳрамон шаҳар Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар — Ленинград, Волгоград, Одесса, Севастополь, Новороссийск, Керчь, Тула, Смоленск, Мурманскда, қаҳрамон қалъа Брестда, шунингдек Калининград, Львов, Ростов-Дон, Куйбишев, Свердловск, Новосибирск, Чита, Хабаровск, Владивосток ва Североморск шаҳарларида байрам мушакбозлиги ўтказилсин.

Яшасин Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 68 йиллиги!

Яшасин қаҳрамон совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари!

Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — жонажон Коммунистик партияга шон-шарафлар!

СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали С. СОКОЛОВ.

БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ

21 февраль куни Москвада Москва жамоатчилиги ва пойтахт гарнизони жангчилари вакилларининг Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 68 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди.

Президиумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Н. Ельцин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали С. Л. Соколов, КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. Н. Зайков, бир қанча министрлик ва идораларнинг раҳбарлари, ҳарбий бошлиқлар, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари бор эди.

СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари Совет Иттифоқи Маршали В. Г. Куликов тантанали йиғилишда доклад қилди.

(ТАСС).

АКТИВ ЙИҒИЛИШЛАРИ

АНДИЖОН, 22 февраль. (ЎзТАГ). Андижон область партия активининг бугун бўлиб ўтган йиғилишида КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь, 1985 йил апрель ва октябрь Пленумлари, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди талаблари асосида динга қарши пропагандани ва аҳолини атеистик руҳда тарбиялашни кучайтириш соҳасида партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг вазифалари муҳокама қилинди.

ТЕРМИЗ, 22 февраль. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Сурхондарё область партия активининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон Компартияси XXI съезди талаблари асосида аҳолини атеистик руҳда тарбиялашнинг аҳволи ва уни янада кучайтириш тадбирлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар.

ЖИЗЗАХ, 22 февраль. (ЎзТАГ). Бугун Жиззах область партия - хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Атеистик тарбиянинг аҳволи ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорлари асосида атеистик тарбия ҳамда янги урф-одат ва маросимларни жорий этиш соҳасидаги ишларни кучайтириш тадбирлари кўриб чиқилди. КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлиги ҳамда физкультура ва спорт ходимларининг вазифалари ҳам муҳокама қилинди.

БУГУН—СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ

ТИНЧЛИК ПОСБОНИ

Ҳар йили 23 февралда совет халқи, қардош социалистик мамлакатлар меҳнаткашлари, бутун прогрессив инсоният халоскор Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кунини тантанали нишонлайдилар. Совет Қуролли Кучларининг ташкил этилиши ва шаклланиши пролетарларнинг улуғ доҳийси Ленин номи билан, Коммунистик партия фаолияти билан чамбарчас боғлиқ.

Коммунистик партия граждан-лар уруши ва чет эл ҳарбий интервенциясининг энг оғир шароитида оммавий, мунтазам, ягона марказий бошқарувга эга бўлган мустаҳкам интизомли армияни ташкил этди. Агар 1918 йилнинг февраль кунларида дастлабки революцион полклар шаклланган бўлса, граждан-лар уруши даврида ўз сафларида 5 миллиондан ортиқ кишини бирлаштирган армия борпо этилди. Уч йил давом этган шиддатли курашларда Қизил Армия ва Флот оқ гвардиячилар ва империалист босқинчилар қўшинларини тор-мор қилиб, Улуғ Октябрь ғалабаларини сақлаб қолди.

Коммунистик партия ва бутун совет халқи хўжалик ва маданий қурилишни амалга ошира бориб, империалистик реакция социализмга қарши навбатдаги урушга зўр бериб тайёрланаётганлигини чуқур ҳис қиларди. Капитализмнинг умумий кризиси чуқурлаша борган сари империалистик давлатлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар янада кучайди. Қуролланиш пойгаси авж олди. Янги ҳарбий иттифоқлар тузилди. Империалистлар совет чегараларида қуролли иғвогарликлар қила бошладилар.

1941 йил 22 июнда герман фашизмининг мамлакатимизга қилган босқинчилик ҳужуми бутун халқаро империализмнинг актив кўмагида тайёрланган эди. Реакцион ҳукуматлар бошчилик қилган Венгрия, Италия, Руминия, Финляндия фашистлар Германияси билан СССРга қарши кураша бошлади. Узоқ Шарқдаги чегараларимизга бир миллионлик Квантун армиясини келтириб қўйган япон милитаристлари Совет Иттифоқига қарши ҳужум бошлаш учун қулай фурсат кутиб турарди.

Коммунистик партия раҳбарлигида Иттифоқимиздаги барча халқлар Октябрь ғалабаларини сақлаб қолиш учун она-Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун муқаддас жангга кўтарилдилар. «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!» Ҳар бир совет кишисининг ҳаёти, партия фаолиятининг мазмун-мақсади ана шунга қаратилди. Душманнинг устун кучлари қисувига бардош бериб, Совет Қуролли Кучлари немис-фашист қўмондонлигининг стратегик планларини барбод қилдилар. 1941 йилнинг охирида ва 1942 йилнинг бошида Москва остоналарида эришган ғалабамиз туфайли гитлерчиларнинг катта группировкаси тор-мор этилиб, ғарб томонга улоқтириб ташланди. Фашистлар армиясининг «енгилмаслиги» тўғрисидаги афсона пучга чиқди. Волга бўйидаги жангларда Улуғ Ватан урушининг ва бутун иккинчи жаҳон урушининг боришида туб бурилиш ясалди. У Курск жанги ва қўшинларимизнинг Днепрдаги курашлари билан якунланди. Сталинград бўсағаларида ва Курск остоналарида 1942 — 1943 йиллар мобайнида фашист қўшинлари 2 миллион солдат ва офицеридан, 4,5 мингта танк, 8 мингта самолётидан ажради. Қатъий, стратегик ташаббусни ўз қўлига олган қўшинларимиз босқинчиларга қарши бутун фронт бўйлаб кенг ва қақшатғич ҳужумга ўтди. 1945 йилнинг 8 майида фашистлар Германияси сўзсиз таслим бўлди. 2 сентябрда эса милитаристик Япония тиз чўкди. Совет Армияси ўз Ватани озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиш билан бирга улуғ халоскорлик миссиясини ҳам шараф билан бажарди. Европа ва Осиёдаги кўпгина мамлакатлар халқларини фашизм асоратидан сақлаб қолди.

Жанг майдонларида кўрсатган жасорати учун 7 миллиондан ортиқ киши орден ва медаллар билан мукофотланди. 11,6 мингдан ортиқ жангчига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Буюк Ғалабада кўп миллатли Ватанимизнинг барча халқлари қатнашди.

Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Ўзбекистонликлар жанг майдонларида мардонавор курашиб, фронт орқасида фидокорона меҳнат қилдилар. Ўзбекистон Коммунистик партияси ҳаракатдаги армияга 40 мингдан ортиқ коммунист ва 230 минг комсомолни юборди. Туркистон ҳарбий округида ташкил этилган қўшилма, қисмлар ўз жанговар байроқларини мислсиз шон-шуҳратга буркадилар. Округда ташкил этилган И. В. Панфилов, И. А. Кузовков, С. Раҳимов ва бошқаларнинг дивизияларида зўр мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатишди. Фашистларга қарши жанг-ларда кўрсатган жасорати учун 120 мингдан ортиқ ўзбекистонликлар орден ва медаллар билан мукофотланди. 32 киши Шуҳрат ордени-нинг тўла кавалери бўлишди. 280 жангчига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Республика Совет Армиясини ўқ-дори, кийим-кечак билан таъминлаган асосий манбалардан бири бўлди.

Улуғ Ватан урушида совет халқи эришган ғалабанинг илҳомчиси ва ташкилотчиси Коммунистик партиямиздир. Халқимиз ва унинг Қуролли Кучлари Улуғ Ватан урушида эришган ғалаба жаҳон шумул тарихий аҳамият касб этди. Бу ғалаба жаҳон майдонида синфий кучлар нисбатини ўзгартириб юборди. Урушдан кейинги жаҳон тараққиётига кучли таъсир кўрсатди.

Фашист босқинчилари мамлакатимиз халқ хўжалигига катта зарар етказди. Совет Иттифоқи 30 процентга яқин миллий бойликларидан маҳрум бўлди. 20 миллиондан ортиқ кишини қурбон берди. Партия ва халқимиз урушдан кейинги йилларда вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклаш билан бирга, мамлакатимиз мудофаасини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор берди. Америка империализмининг агрессив сиёсати орқасида халқаро кескинликнинг кучайиши ана шуни талаб этарди. Империалистлар урушнинг якунлари ва жаҳондаги революцион ўзгаришлар билан келишолмасди. Жаҳон социализмини ва унинг асосий кучи Совет Иттифоқини қўпориш йўлини тутиб, улар «совуқ уруш»ни авж олдирдилар. Қуролланиш пойгасини кучайтириб, агрессив блоклар системасини ташкил этдилар, атом даҳдағасини бошладилар.

Совет Иттифоқи ядро қуролини ва уни элтувчи воситаларни яратишга мажбур бўлди. Натижада империализм атом даҳдағасининг олди олинди. НАТО агрессив блоки ташкил этилишига жавобан, Совет Иттифоқи ва бошқа социализм мамлакатлари 1955 йил 14 майда Варшава Шартномасига имзо чекдилар. Мана 30 йилдирки, Варшава Шартномаси ташкилоти Европада уруш чиқишига йўл қўймаслик, бутун жаҳонда тинчликни мустаҳкамлаш, халқаро танглиқни юмшатиш, давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқли ҳамкорликни тараққий эттиришдаги муҳим ҳаётий масалаларни самарали ҳал этмоқда.

Ҳозирги кунда армия ва флотимиз замонавий ракета ва ядро қуроллари, товушдан тез учувчи авиация, атом-ракета сувости кемалари ва ракета элтувчи сув усти кемалари, радио электрон ва бошқа замонавий техникага эга.

Партиямиз доимо шуни таъкидлайдики, Қуролли Кучларимизни мустаҳкамлашдан мақсад ҳарбий устунликка эришиш ёки ўз ҳоҳиш-иродамизни бошқаларга зўрлаб ўтказиш ёки қўрқитиш эмас, ҳарбий сиёсатимизнинг моҳияти мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашданғина иборат.

Коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этиш мўракаб халқаро шароитларда амалга оширилмоқда. Империализмнинг агрессив кучлари, аввало, АҚШ халқаро муносабатларни кескинликни юмшатиш йўлидан конфронтация йўлига буришга ҳаракат қилмоқдалар. Улар жаҳон сиёсий харитасини қайта тузатишга, турли хил «санкциялар» билан қуролли куч ишлатиш даражасида даҳдаға қилмоқдалар. Сиёсий майдонга тобора неофашизм актив кириб келмоқда.

АҚШ империализми халқаро реакциянинг ўчоғи бўлиб қолмоқда. Жаҳонга ҳоким бўлишни даъво қилиб, ўз ҳолича бутун бошли қитъаларни «ўз ҳаётий манфаатлари воналари» деб эълон қилиб, миллий ва социал озодлик кучларига қарши «салб юриши»ни амалга оширмоқда. Империализмнинг халқлар олдидаги энг катта жинояти ядро ва оммавий қирғин қуролларининг турли хилларини ишлаб чиқаришни авж олдираётганидир. Энг йирик капиталистик давлатлар сиёсатида хавфли оғиш пайдо бўлди. Ҳаёт империализмнинг ҳаракатлари тобора ўз сиёсати моҳиятини ёрқинроқ намоён қилаётганлигини кўрсатмоқда. Социализмдан ҳарбий устунликка эришиш асосида социал-реванш йўлига ўтиш — тараққиёт, озодлик ҳаракатини бостириш, халқаро кескинликни мана шу даражада тутиб, янада янги, турли оммавий қуролларни ишлаб чиқиш ва космосни милитарлаштиришни оқлаш режаларидир.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг сиёсати икки қарама-қарши системанинг тинч-тотув яшаши ҳақидаги ленинча ғояларга асосланган. Бу КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг АҚШ президенти Р. Рейган билан Женевада бўлган учрашувида яна бир бор тасдиқланди.

Қуролланиш пойгасининг ҳалокатли жараёнини тўхтатиб қолиш, уруш хавфини бартараф этиш, ишончли контрол асосида қурол-яроғларни чеклаш, ишончни мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш шу бугунги кундаги муҳим вазифалардандир. Бизнинг давлатимиз ҳарбий хавфни камайтириш мақсадида бир томонлама тартибда ўз устига биринчи бўлиб ядро қуролини қўлламаслик, Европада ўртача узоқликка учадиган ракеталарни кўпайтиришни вақтинча тўхтатиш мажбуриятини олди. Ўтган йил август ойидан бошлаб ҳар қандай ядровий синовлар ҳам тўхтатилди. Лекин Совет Иттифоқининг хоҳиш-иродасининг ўзигина етарли эмас. Совет Иттифоқи ўзаро манфаатли, тенг ҳуқуқли хавфсизликка эришиш тарафдори. Женева музокараларидан кутилган мақсадлар: қуролланиш пойгасини тўхтатишга қолмай, шу билан бирга қурол-яроғлар даражасини кескин қисқартириш ва айни вақтда космосда қуролланиш пойгасининг олдини олиш вазифаларини амалда ҳал этишдан иборатдир.

СССР ва унинг иттифоқчилари ҳеч қайси мамлакат хавфсизлигига таҳдид қилмайди. Ҳарбий устунликка эришишга интилмайди. Аммо жаҳон майдонида ҳарбий стратегик нисбатларнинг бузилишига ҳам йўл қўймайдилар.

Армия ва Флотимиз жангчилари ўз байрамларини ва Коммунистик партиянинг XXVII съездини жанговар ва сиёсий тайёргарликда юқори натижаларга эришган ҳолда кутиб олмоқдалар. Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи жангчилари ҳам Ватанимизнинг жанубий чегаралари дахлсизлигини ҳушёрлик билан қўриқламоқдалар. Округ қўшинлари ўқув йилини муваффақиятли якунладилар. Шахсий состав Иттифоқимизнинг жанубий чегараларини ҳимоя қилишда юксак маънавий-сиёсий фазилатларини, жанговар маҳоратини, Ватан олдидаги ўз бурчини бажаришда юксак онглиликни намоён қилмоқда. Туркистончи-жангчилар ўз олдиларида турган жанговар топшириқни муваффақиятли бажаришда республика партия ва ҳукуматининг маҳаллий партия, совет ва жамоат ташкилотларининг доимий ғамхўрлиги ва ёрдамини ҳис этишяпти.

Ҳеч шубҳа йўқки, туркистончи-жангчилар бундан буён ҳам КПСС Марказий Комитети Қуролли Кучларимиз олдига қўйган вазифаларни муваффақиятли адо этиш учун бутун куч ва имкониятларни сафарбар этадилар.

Генерал-лейтенант Ю. А. ГУСЕВ,

Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари, штаб бошлиғи.

ТУРКИСТОН ҲАРБИЙ ОКРУГИ. Офицер Н. Иванюк командирлигидаги бўлинма партиямизнинг XXVII съездини муносиб кутиб олиш бўйича олган социалистик мажбуриятини шараф билан бажарди. Суратда: бўлинма командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети аъзоси офицер Ф. Сироткин жангчилар билан машғулот олиб бормоқда.

Р. ШАГАЕВ фотоси (ЎзТАГ).

«Совет Ўзбекистони» давра суҳбати

СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ПРОГРАММАСИ

Экономикани планли ривожлантириш, халқ фаровонлигини янада ошириш, социал тараққиётни жадаллаштириш вазифалари СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986-1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасида кенг миқёсда ўз аксини топган.

Яқинда редакциямизда Ўзбекистон ССР Давлат план комитети қошидаги Экономика илмий-тадқиқот институтининг бир гуруҳ олимлари ва етакчи мутахассисларининг давра суҳбати бўлди. Унда институт директорининг ўринбосари, иқтисод фанлари доктори, профессор В. И. Сааков, сектор мудирлари, иқтисод фанлари кандидатлари Э. Аҳмедов, Ш. Ғафуров, Г. Данилов, К. Ўлжабоев, Т. Аҳмедов, С. Раимқулов, геология-минералогия фанлари кандидати Ю. Чиринский, илмий ходим И. Абдуллаевлар иштирок этишди. Қуйида ана шу суҳбат баёни билан таништирамиз.

КУЧЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ— САМАРАДОРЛИК НЕГИЗИ

Мухбир: Маълумки, республика ички регионларида социал-иқтисодий тараққиёт суръатларини жадаллаштириш мамлакат ягона халқ хўжалик комплексининг таркибий қисми — Ўзбекистон экономикасини ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади. Бунда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, улар самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Суҳбатимизни шу масалаларнинг қай тарзда ҳал этилиши муаммоларидан бошласак.

Ш. Ғафуров: Республика социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришда меҳнат ресурсларидан тўғри фойдаланиш, ишчи кучининг иш билан бандлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бухоро, Сурхондарё областларида, Амударёнинг қуйи зонасида саноатни ривожлантириш янги беш йиллик вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу жойларда янги объектларни қуриш ва қисқа фурсатларда ишга туширишга республиканинг аҳоли зич жойлашган марказий районлардагига қараганда кўпроқ самара беради. Машинасозлик (шу жумладан электротехника, приборсозлик), химия саноати ва шунга ўхшаш бир қатор тармоқ иншоотларини саноат кам ривожланган, территория жиҳатидан кенг бўлган районларда қуриш мақсадга мувофиқдир.

Электр энергия, ёқилғи саноати, қора ва рангли металлургия сингари соҳаларда ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш — республика иқтисодий ривожланишининг муҳим қисми, Ангрен кўмир разрези, Янги Ангрен ва Толлимаржон ГРЭСлари, Ўзбекистон металлургия заводи ҳамда ўн иккинчи беш йилликда қуриладиган Жиззах қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи ана шу соҳада жадал суръатларда ривожланишни белгилайди.

Э. Аҳмедов: Ишлаб чиқарувчи кучларни тўғри, мақсадга мувофиқ тарзда жойлаштириш, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга тезроқ жорий этиш барча молиявий ва инсон омилидан юқори унум билан фойдаланиш имконини беради.

Қарши ва Жиззах даштларини ўзлаштиришни ниҳоясига етказиш кенг миқёсли вазифа. Айниқса, Қарши ҳўлида жуда катта ҳажмда комплекс қурилиш-монтаж, мелиорация ва ирригация ишлари бажарилишни керак. Қўриқ зоналарнинг истиқболини, ишлар кўламини ҳисобга олиб, моддий-техника таъминотини янада яхшилаш, инсон омилидан янада самаралироқ фойдаланиш чораларини кўриш талаб этилади. Ишдаги пала-партишликка, исроф-гарчиликка чек қўйиш, ташкилий ишда омилкорлик ва ресурслардан оқилона фойдаланиш зарур. Бу ҳақда Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида ҳам алоҳида таъкидланди. Ишдаги муваффақият — кучларни тўғри жойлаштириш ва ни модернизациялаш, янги техника ва технологияни тезроқ жорий этиш ва энг муҳими нефть маҳсулотларидан тежаб-тергаб фойдаланишни тақозо этади.

ФАН ЮТУҚЛАРИ ҚАНОТИДА

Мухбир: Машинасозлик ва транспорт тармоқларида ҳам ишлаб чиқаришни фан асосида жадаллаштириш муҳим вазифалардан бири эканлиги алоҳида таъкидланмоқда. Фан билан ишлаб чиқаришнинг боғлиқлиги асосида машинасозликни янада ривожлантириш масалалари қандай амалга оширилади?

Г. Данилов: Кейинги беш йилликда машинасозлик соҳаси ва унинг станоксозлик, приборсозлик, электрон ва электротехника саноати тармоқларига талаб ошиб бормоқда. Республика машинасозлиги соҳасида шундай диспропорциялар мавжудки, булар халқ хўжалигини техника жиҳатидан қайта қуроллантириш жараёнини секинлаштиради. Масалан, пахтани қабул қилиш, сифатини текшириш ва қайта ишлаш технологиясини мукаммаллаштириш, пиллачилик, ирригация ва мелиорация, қурилиш ва бошқа тармоқларни замонавий техника билан таъминлаш ҳали анча орқада. Машинасозликда робот техника комплекси, микропроцессор техника, электрон бошқариш системаси, автоматлаштириш сингари прогрессив усулларни кенг жорий қилиш керак.

К. Ўлжабоев: Ўн иккинчи беш йилликда республика ягона транспорт системасини ривожлантириш, бошқарув самарадорлигини ошириш муҳим вазифа қилиб қўйилган. Республика транспорт конвейерининг айрим звеноларида ҳозирча диспропорциялар учраб турибди. Айрим жойларда юк ташиш транспорт магистраллари республика халқ хўжалигини тараққиётидан орқада қолмоқда. Айниқса, темир йўл транспортида нефть ва нефть маҳсулотлари ташишда бирмунча камчиликлар мавжуд.

С. Раймқулов: Енгил саноатни машинасозлик ва транспортсиз тасаввур этиш қийин. Зеро, енгил саноатда ишлаб чиқариш жараёни ана шу соҳаларни тез ривожлантиришни, бу уч соҳанинг узвий боғлиқ ҳолда ҳамкорлик қилишини талаб этади. Янги беш йилликда республикамизнинг турли районларида тўқимачилик, трикотаж ва ипак маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган фабрикалар қуриш, уларни замонавий техника ва технология билан қуроллантириш планлаштирилган.

ШУ КУННИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИ

Мухбир: Ўзбекистон Компартияси XXI съездида таъкидланганидек, меҳнат шароитини яхшилаш, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш, унинг таъминотини яхшилаш, етарли хом ашё билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Қурилиш майдонларида темир-бетон конструкцияларидан тортиб, детал ва узелларгача ҳамма нарсани ўз вақтида етказиб бериш, кичик техниканинг янги турларини яратиш ва жорий этиш ишлари йўлга қўйилиши зарур. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш структурасини ўзгартириш, яъни енгиллаштирилган, қотишмалик қобилияти кучли бўлган темир-бетон маҳсулотлари, темир конструкциялар ҳамда устки қоплама конструкцияларининг янги турларини яратиш давр талаби бўлиб қолди. Енгил бетонлар асосида умумий оғирлиги камайган темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 40 процентгача кўпайтириш кўзда тутилган. Янги беш йиллик қурилиш индустриясининг территориал жойлашишига алоҳида эътибор беришни талаб қилади.

Республика социал инфраструктураси тараққиёти улкан ривожланиш программасига эга. Бу асосан уйжой ва маданий-маиший иншоотлар қурилишини ўз ичига олади. Уйсозлик ва қишлоқ қурилиши комбинатлари ишини планлаштиришда ана шуларни назарда тутиш лозим.

И. Абдуллаев: Мамлакат экономикаси янги босқичга — сифат босқичига қадам қўйди. Бу хўжалик механизмини бошқаришнинг янги услубига ўтишни тақозо этади. Ҳар бир нарсага янгича қараш, амалий фаолиятда янгиликка интилиш, прогрессив усулларни жорий этиш давр талаби бўлиб қолди. Меҳнат коллективларининг актив фаолияти жойларда нормал маънавий-психологик муҳит яратиш, ташаббускорлик, ихтирочилик, яхши анъаналарни давом эттириш сингари ҳислатларни шакллантириш билан белгиланади.

Хуллас, партия халқ хўжалиги бошқарувини такомиллаштириш, унинг янги форма ва методларини топишни кун тартибидаги муҳим вазифа деб билмоқда.

Ватанимиз пойтахти — Москвада коммунистларнинг улкан анжумани — КПСС XXVII съезди ўз ишини бошлайдиган кунлар яқин. Мамлакатимиз тараққиётининг аср охиригача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари қонун кучига киради. Минг-минглаб турли касб эгалари билдирган таклиф ва мулоҳазалар асосида эса совет кишиларининг бунёдкорлик ишлари янги куч билан авж олади. Партия ғояларининг ҳаётбахшлиги яна бир бор ўз қудратини намоён қилади.

Суҳбатни «Совет Ўзбекистони»нинг махсус мухбири Нарзулла ЖЎРАЕВ олиб борди.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ЮКСАК МАҲОРАТ

Жюри аъзолари: ветеран газчилар, энг яхши ишчилар ва инженерлар Қурбон Саксонбоев пайвандлаган чокни диққат билан кўздан кечириб чиқдилар. Улар якдиллик билан бу ишга «аъло» баҳо қўйдилар.

Ёш ишчи катта диаметрли қувурни ҳаммадан тез пайвандлади ва бу ишда зўр маҳорат кўрсатди. Омон Сафаров билан Оқмирза Қўйдиев ҳам ундан қолишмадилар. Улар «Газлинефтегаздобича» бирлашмаси ишчиларининг касб маҳорати конкурсида ғолиб чиқдилар.

Мусобақа қатнашчиларигина эмас, кўп сонли томошабинлар ҳам анчагина нарсани ўргандилар. «Бу чинакам илғор тажриба мактаби, — деб ҳисоблайди Омон Сафаров. — Бундай конкурсларга биз олдиндан тайёргарлик кўрамиз. Кўп кишилар шу тайёргарлик давомида юқорироқ разряд олиш учун имтиҳон топширадилар».

Ҳақиқатан ҳам конкурсда яхши қатнашган электр монтер Марат Қўшибоевга бешинчи разряд берилди. Унинг ўртоқлари Асқар Отаниёзов билан Ўразбой Алимбетов ҳам маҳоратнинг юқорироқ чўққисига кўтарилдилар. Уларнинг пухта ишлари ҳамма учун намуна қилиб кўрсатилди.

ОИЛАВИЙ ПУДРАТ АСОСИДА

Самарқанд районидаги Киров номли сабзавотчилик совхозида кўрсатилаётган маиший хизмат ҳажми бир йилда беш баравар ортди.

Маиший хизмат кўрсатиш оилавий пудрат усулига ўтказилганлиги шундай самара берди. Эргаш ва Тамара Отабоевлар хўжалик правлениеси ва район маиший хизмат бошқармасининг таклифига биноан ана шундай янги иш усулига ўтдилар. Уларга қизлари Сайёра ва Муҳаббат ёрдам беришяпти. Уларнинг меҳнатига кўрсатилган хизмат ҳажми ва сифатига қараб ҳақ тўланади. Натижада колхозда комплекс қабул пункти эрта тонгдан то кечгача ишлаб турибди. Бундан ташқари, Отабоевлар ўзларига бириктирилган автомобилда ҳамқишлоқлари хонадонларига бориб, рўзғорбоп техникани ремонт қилиш, кийим-кечакни химиявий усулда тозалаш ва ювиш учун буюртма қабул қиладилар. Хизмат тури кўпайтирилди. Якка буюртмалар асосида пойабзал ва кийим харид қилиш, севимли қўшиқ ва куйлар ёзилган магнитафон ёзувига буюртма бериш мумкин.

Хизмат кўрсатишнинг янги формаси кенг ёйилмоқда. Самарқанд областининг ўнта районида ҳозирнинг ўзидаёқ йигирма иккита комплекс қабул пункти оилавий пудрат усулига ўтказилди.

АГИТБРИГАДАНИНГ СЪЕЗДОЛДИ УЧРАШУВЛАРИ

Олот район маданият уйининг агитбригадаси Навоий номли колхоз дала ва фермалари меҳнаткашларининг ҳузурида меҳмон бўлди.

КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган мусобақа, съездолди ҳужжатларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида суҳбатлар ўтказилди. «Билим» жамияти пропагандистлари, лекторларининг КПСС тинчлик ишини мустаҳкамлаш, халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик учун олиб бораётган кураши тўғрисидаги суҳбатлари зўр қизиқиш уйғотди.

Клубда савол-жавоб кечаси ўтказилди.

«Нурафшон» ансамблининг қатнашчилари концерт программасини қўйиб бердилар. Партия, улуғ Ленин, тинчлик ва дўстлик тўғрисидаги қўшиқ ҳамда шеърлар янгради. Қардош республикалар композиторларининг асарлари, СССР халқларининг рақслари ҳам ижро этилди.

ЯНГИЛИК САМАРАСИ

Нарпай қишлоқ қурилиш комбинатида жорий этилган янгилик темир-бетон конструкциялар сифатини анча оширишга, вазнини камайтиришга ёрдам берди. Бу ерда бетон тайёрлашда полимер қўшимча моддалардан фойдаланила бошланди.

Корхонада иқтисодий тежашнинг бошқа резервлари ҳам изланмоқда. Комбинат коллективи съездолди мажбуриятларини муваффақиятли бажариб бўлди. Бир смена мобайнидаги ишга етадиган материаллар тежаб қўйилди. Икки ойлик пландан ташқари 100 куб метрдан ортиқ йиғма темир-бетон маҳсулотлар, кўпданкўп бошқа маҳсулотлар тайёрлаб чиқарилди.

(ЎзТАГ).

СЪЕЗД ДЕЛЕГАТЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ОТА ИЗИДАН

Жақсилиқ қирнинг қоқ ўртасида таёққа суяниб турарди. Сал нарида тоғли-тошли йўлга ўрганган оти ҳам ўйга толган эгаси каби бошини солинтирганча сукут сақлайди. Пастда қўйлар ёз жазирамаси қовжиратган, кечаги селгиб ўтган ёмғирдан кейин юмшаб қолган хас-чўпларни териб еб юрибди. Икки томон тоғ. Ўнгда Оқтов, чапда Мурунтов тизмалари, уларнинг ўнгирлари тафтсиз қуёш нурларида қўнғир тусда ялтирайди. Совуқ, лекин димоққа хуш ёқувчи тоза ҳавода қўклам бўйлари анқиётгандай туюлади.

... Ўшанда 1963 йилнинг кўклами охирлаган кезлар эди. Бутун меҳнати ва умрини халқ қўйини кўпайтиришга сарфлаб келаётган отаси чўпон таёғини ўғлига топширишга аҳд қилди. Жабай ота шу йили етмиш ёшга тўлган эди. Машҳур чўпонни қутлашга узоқ ва яқиндан тумонат одам йиғилди. Ота ҳали бақувват, кўкрагида «Ўроқ ва Болға» тасвири туширилган икки Олтин Юлдуз ярқираб турар, ҳамма билан камтарона самимият билан сўрашарди. Отасининг чўпон таёғини топшираётган лаҳзадаги сўзлари эса, Жақсилиқнинг қулоқларида ҳамон жаранглаб турибди.

— Ўғлим, мана шу таёқ менга бахт келтирди, — деганди ота ҳаяжон ва ғурур билан. — Сенга ҳам шуни истайман. Доимо ҳалол ва покиза ишла, меҳнатдан қочма. Шунда элнинг ҳурматига сазовор бўласан.

Ана шундан буён Жақсилиқ қўй боқади. Уч йил давомида отаси унга ёрдамлашиб, ўргатиб юрди-ю 1966 йилда ҳаётдан кўз юмди. Ай. ни пайтда унинг бюсти совхоз марказига ўрнатилган. Неваралари ўқиётган мактаб, фарзандлари яшаб, ишлаётган хўжалик икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жабай Балиманов номи билан аталди. Бир чўпонга ҳурмат ва иззат шунча бўлади-да. Оддий меҳнат кишисига бунчалик эъзоз қай бир юртда бор...

Серка қўнғироғининг жаранг садоси чўпон ҳаёллари. ни бўлиб юборди. У сурувни Мурунтов томонга бошлаб кетмоқда эди. Жақсилиқ ҳали қиш ўрталамай баҳорни соғиниб қолганини ўйлади-ю, майин жилмайиб қўйди. Ҳа, ҳали баҳоргача анча бор. Унга етгунча қишловни омон-эсон ўтказиб олиш керак. Октябрь ойи охирида ёққан қор қўшни отарларга анча чиким келтирди. Буёғи қандай бўлади, айтиш қийин. Фақат у энди тоғда қолиб бўлмаслигини бугун кўнглига қаттиқроқ тўйди. Бу ерда ўт кам, қўйларни тўйдириш учун ҳар куни 10—12 чақирим йўл юряпти.

Сурувни қўрага ҳайдаб келганда, осмонда юлдузлар милтирай бошлаганди. Ўғли Бовуржон ҳам ҳозиргина совхоз марказидан келиб турган экан. Бугун у мактабда ўқиётган ука-сингилларидан хабар олиб келди. Ўзи ҳам мактабни ўтган йили тугатди, чўпонликка астасекин кўнгил қўйяпти. Шу боисми, аҳён-аҳёнда хўжалик марказидаги гавжумроқ ҳаётни соғиниб қолади.

Ота-бола қўйларни қўрага қамаб келганда Қўшкингул ая дастурхон тайёрлаб турарди. Шу куни улар эртага эрталаб Қизилқум ичкарисига — Бўзкамар массивига кўчишга қарор қилишди. Чўлликларнинг бирон нарсани ҳов анови ерда, деб қўрсатганига етгунча етти чақирим йўл юриш керак, дейишади. Улар Бўзкамарга етганча ҳам оз эмас, кўп эмас — 200 километрга яқин масофани кўч-кўронлари, қўй-эчкилари билан босиб ўтишлари лозим эди.

Бу қишда ҳам чўпонларнинг ташвишлари оз эмас. Бўзкамарга жойлашган уч отар ҳар куни сув ташувчи машинани юрак ҳовучлаб кутишади. Бирон ишкал бўлиб, у келолмай қолса, қўйлар сувсиз қолиши мумкин. Массивда ўт-хас кўп бўлгани билан обиҳаёт йўқ. Яйловнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида ўтказилаётган Кўкпатас — Йирик, Зарафшон — Ўроқбой сув қувурлари жуда секинлик билан қуриляпти.

Яқинда шу ҳақда гап қўзғалиб қолди. Сув қийинчиликлари ҳамкасби Мурод Раймбековнинг сабр косасини тўлдириб юборганди.

— Мана, сен — Жақсилиқ, республика Олий Совети. нинг депутатисан, — деди у куйиб-пишиб. — Массивга сув ўтқазиш масаласини кўтармаган жойинг қолмади. Лекин иш ҳеч жойидан силжимайди. Ваъда беришади-ю, кейин унутиб юборишади. Нега шундай, улар ҳам мен билан сенга ўхшаш коммунистлар-ку, ахир? Индинга область партия конференция. сига делегат бўлиб борасан. Сўз сўраб шу масалани яна ўртага ташла. Менимча бу-сиз иш юришмайдиган кўринади.

Ж. Балиманов Мурододдагина эмас, бошқа чўпонлардан ҳам бу ҳақда шунга ўхшаш сўзларни кўп эшитган эди. Қолаверса, бу масала ўз юрагини ҳам доимо чўғдай жизиллатиб туради. Шу боис Навоий область партия конференциясида сўзга чиқиб, яйловларни мелиорациялаш муаммосини тезроқ ҳал этмаётган мутасадди ташкилотлар раҳбарларини танқид қилди. Албатта, у нутқида ўзини ўйлантириб юрган бошқа муҳим масалаларни ҳам кун тартибига қўйди.

— Районимиз чўпонлари катта матонат билан меҳнат қилмоқдалар, — деди у сўзини давом эттириб. — Лекин бу меҳнат ҳар доим кутилганидек самара бермаяпти. Шу боис районимиз хўжаликлари беш йилликни анча зарар билан якунлашди. Бунинг сабаблари кўп. Улардан бири областимизнинг ўз ғўшт комбинатига эга эмаслиги билан боғлиқдир. Молларни Тошкент ёки Бухорога олиб бориб топширишга тўғри келяпти. Ҳайдаб бориш жараёнида жониворларнинг ҳар бири 4—5 килограммдан вазнини йўқотяпти. Ваҳолонки, Томди райони гўштга йилига юз минг бошдан ортиқ қўй топширади. Келинг ҳисоблаб кўрайлик-чи, биз бундан қанча зиён кўрмоқдамиз?

Ёки чўпон ўринбосарларини тарбиялаш масаласини олайлик. Ҳозирги пайтда районимиздаги 700 чўпоннинг атиги 70 нафарини ёшлар ташкил қилади. Нега шундай? Чунки, ёшларга чўлда яхши яшаб, меҳнат қилишлари учун зарур маданий-маиший шарт-шароит йўқ. Ҳозирги замон талаби бу масалага жиддий эътибор беришни тақозо қилмоқда. Томди район партия комитети, совхозимиз партия ташкилотининг бу борадаги фаолияти бутунлай қониқарсиз...

Ёдимда Жақсилиқ Балиманов билан уч йил аввалги илк бор учрашувимиз тушди. Кеч куз эди ўшанда. Илон изли, ўнқир-чўнқир тоғ йўлини машина кўп азоб билан босиб ўтиб, чўпонни Бессапондан топдик. У бизни қийиқ кўзлари кулимсираб, қувонч билан қарши олди. Ҳамроҳим мени мухбир, деб таништиргандан кейин эса, бирдан нордон нарсани тишлагандай авзойи ўзгарди. Шу-шу кечгача қовоғи солиниб, гаплашишга рўйхуш бермади. Мен ҳам уни гапга тутмай, қандай қўй боқишини кузатиб юрдим.

Сабаби кейинчалик маълум бўлди. Бундан бир ойча муқаддам бир мухбир билан суҳбатдош бўлган экан. У қаҳрамоннинг ўғли қандай жасорат билан ваъдасига вафо қилиб меҳнат қилаётганлиги тўғрисида жонсиз, юзаки мақола ёзиб, уни бу йил ҳар юз бош совлиқдан 200 тадан кўзи олиш учун курашяпти, деб кўкларга кўтарибди. Бу Жақсилиқнинг изза-нафсига қаттиқ теккан эди.

— Икки юзни эмас, аслида 150ни ният қилганмиз, ука, — деди кечқурун юрагидаги дардни тўкиб солиб. —Бу ҳам жуда катта рақам. Яхшиямки, сиз гапни ўша мухбирга ўхшаб мажбуриятдан бошламадингиз. Бўлмаса сиз билан гаплашмасдан, хайр-хўшлашган бўлардим. Тўғри, ҳамкасбларим 230—250, ҳатто ундан ошириб кўзи олишяпти. Лекин бу кўзиларнинг аҳволига қаранг, мушук боласидан фарқ қилмайди. Ҳаммаси СЖКнинг иши. Билмадим ундан қачон қутилар эканмиз.

Жақсилиқнинг дард-ҳаяжони юрагига сиғмади шекилли, ўтовдан ташқарига чиқди. Кўкда юлдузлар порларди. Анча тин олиб турди. Кейин ўзини босиб, вазминлик билан гапини давом эттирди.

— Менинг отам қандай қаҳрамон бўлганлигини биласизми? Ҳар юз бош қўйдан 130 тадан кўзи олганлиги учун, иккинчисини 137 тага етказгани учун беришган. Аммо у пайтлардаги қўйлар ҳозиргилари олдида туядай келарди ўзиям. Мен бўлсам 150 ни кўзлаб турибман. Шуни ўйласам, хунобим ошиб кетади. Мажлисларда СЖКни йўқотиш ҳақида гап бўляпти-ю, амалий ишга ўтилмаяпти. Агар иш шу тахлитда кетаверса зотдор қўйларимиздан бутунлай айрилиб қоламиз...

Ҳаёт унинг фикрлари ҳақ-қонийлигини тасдиқлади. СЖКни қўллашдан воз кечилиб, тўғри иш қилинди. Энди жаҳонга машҳур қоракўл териси тилла билан баробар ўша пайтдаги қўйларимизни асл ҳолига келтириш учун кураш боряпти.

... Залда бирдан қарсак янгради. Томди районидаги Ж. Балиманов номли совхознинг бош чўпони Жақсилиқ Балимановнинг долзарб масалаларни кун тартибига қўйгани, масъулиятсиз масъул шахсларни аёвсиз танқид қилганини конференция делегатлари қўллаб - қувватлашаётган эди. Шу куни унга яна бир юксак ишонч билдирилди. У КПССнинг XXVII съездига бир овоздан делегат этиб сайланди.

Ж. Балиманов билан конференциядан сўнг учрашдик. У шошилиб турар эди. Мен уни қўноқ бўлишга таклиф қилдим. Жақсилиқ раҳмат айтиб, узр сўради-да, отарига ошиқаётганини айтди.

Эртасига эшитсам, у ўша куни тонгга яқин отарга етиб борибди. Борган заҳоти сурувини ҳайдаб чўлга чиқиб кетибди. Ўзимча тасаввур қилдим: ўғил билан ота қотиб қолган денгиз тўлқинларига монанд барханлар орасида қўй-қўзилари ортидан боряпти. Уфқда эса, баркашдек офтоб чиқиб келмоқда. У уфқдан бош кўтаргач, кечиккани учун қизаргандай Қизилқум узра бир ой муаллақ туриб, атрофга назар ташлайди-да, яйловда аллақачон уйғонган ҳаётни кўриб, юксаклик сари интилабошлайди. Демак, бугунги кун янада яхши бўлади.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҒАЛЛАКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Ғаллаорол районидаги Карл Маркс номли совхоз ғаллакорлари бошоқли дон экинларини озиқлантириб бўлдилар. Самолётлар ва ер аппаратларидан унумли фойдаланиб, 10 минг 500 гектар ерга минерал ўғитлар сепилди. Хўжалик механизаторлари ерда намни узоқ сақлаб қолиш учун айни кунларда баҳорда ўтказиладиган бороналаш ишларига ҳам ҳозирлик кўрмоқдалар.

Райондаги «Октябрь 60 йиллиги» совхозида 2500 гектар, «Музбулоқ» совхозида 1500 гектар майдондаги ғалла майсалари ҳам тўла озиқлантирилди.

А. ЭРГАШЕВ.

ТАРАДДУД

Навоий. Навбаҳор райони пиллакорлари «қумуш тола» етиштириш ва давлатга сотишда йил сайин салмоқли натижаларга эришиб келмоқдалар. Тутзорларни кенгайтириш, эски тутзорларни ёш ниҳоллар билан тўлдириш каби юмушларга катта эътибор бериляпти. Ҳозир районда 345 гектар майдонда тут плантациялари мавжуд бўлиб, уларда 2,5 миллион туп тут кўчатлари парвариш қилинмоқда. Бу навбаҳорликларга шу йил она-Ватанга 231тонна «қумуш тола» етказиб бериш имконини беради.

Ё. УМАРОВ.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

АГРОПРОМНИНГ БИРИНЧИ МАВСУМИ

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети (агропром) янги ташкилот сифатида биринчи экиш кампаниясини ўтказишга тайёргарлик кўрмоқда. Бу раҳбарлар ва мутахассислар зиммасига катта масъулият юклайди, чунки дастлабки йил ҳосилига қандай замин яратилиши умуман беш йиллик план қандай бажарилишига бевосита алоқадордир. Мана, йилнинг икки ойи ўтиб бормоқда, бироқ бир қатор районларда район бирлашмаларининг штатларини шакллантириш ҳали тамомлангани йўқ. Бу ташкилий тадбирларни ўтказиш ва экиш кампаниясига тайёргарлик ҳамда бошқа масалаларни оператив равишда ҳал этишга ҳалақит бермоқда. Вазифа агросаноат комплексининг барча бўғинларини кадрлар билан таъминлашни зудлик билан поёнига етказиб, бутун куч ва имкониятни кўкламги экиш кампаниясига пухта тайёргарлик кўриш ва уни муваффақиятли ўтказишга сафарбар этишдан иборатдир.

Республика хўжаликларида 600 минг, шу жумладан Қорақалпоғистон АССРда 209 минг, Хоразм областида 111 минг, Қашқадарё областида 61 минг ва Фарғона областида 41 минг гектар ер шудгорланиши керак. Бу жойларда шудгорлашдан ташқари, далаларнинг шўрини ювиб, тупроққа экишдан олдин ишлов бериш юзасидан катта ҳажмдаги ишларни ҳам бажариш зарур.

Дала ишларини ўтказиш учун қиш даврида кўпдан бери қулай шароитлар бўлмаган эди. Бироқ жойларда ўтказилган текширишлар агротехника тадбирларини ўтказишни ташкил этиш на объектив имкониятларига ва на қўйилган вазифаларга жавоб бераётганлигини кўрсатди.

Сурхондарё, Наманган областларининг хўжаликлари чигитни пушталарга экиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш планига кўра бу йил 286 минг гектар ерга чигитни пушталарга экиш кўзда тутилмоқда. Лекин бир қатор областларнинг раҳбарлари ва мутахассислари чигитни теп-текис майдонга экишдек эски усулдан кўнгилларини узолмай, экишнинг янгича усулига ўтишни хоҳламай турибдилар. Чунончи, Қашқадарё областида 69 минг гектар ернинг атиги 30 минг гектарида, Самарқанд областида 10 минг гектар ернинг ниҳояти 1 гектарида, Тошкент областида 20 минг гектар ернинг ниҳояти 6 минг гектарида пушталар очилган холос. Бу областлар учун техника тараққиётини жорий этиш афзалликлари хусусида наҳотки алоҳида яна агитация, пропаганда ишлари зарур бўлса?

Тупроқ унумдорлигини оширишда маҳаллий ўғитларнинг роли ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Алмашлаб экиш юқори суръатлар билан ўзлаштирилаётган ва кенг пахта майдонларига эга бўлган республикамиз қишлоқ хўжалиги учун бу жуда ҳам зарур ишдир. Бироқ айрим областларда маҳаллий ўғитлар аҳамиятига етарли баҳо берилмаётир ва улар жуда сусткашлик билан тайёрланмоқда. Бу борадаги кўрсаткич Қашқадарё области хўжаликларида энди 32 процент, Сурхондарёда — 37 процент, Навоий областида 49 процент ва Қорақалпоғистон АССРда — 36 процент холос. Худди шундай нуқсон айрим РАПОларнинг мутахассислари ишида ҳам учрайдики, улар маҳаллий ўғитнинг ролини унутиб қўяётганга ўхшайдилар. Маҳаллий ўғит тайёрлаш Бухоро районида энди 47 процентга, Хатирчида 50, Ховосда 53, Олтариқ районида 45 процентга етганлигини қандай баҳоласа бўлади?

Экиш кампаниясини муваффақиятли ўтказиш учун уруғ қадаладиган ҳар бир картани олдиндан тайёрлаш, текислаш, бегона ўтлар илдизини териб ташлаш, яхшилаб ўғитлаш зарур. Ҳозирги қулай об-ҳаво шароитларидан фойдаланиб, далаларни экишга тахт қилавериш керак. Токи бундай далаларда қулай муддатлар етиб келиши билан бороналашни ўтказиб, экишни бошлаб юборавериш мумкин бўлсин. Афсуски, худди шу маънода Андижон, Қашқадарё ва Самарқанд областлари хўжаликларида қулай об-ҳаво шароитларидан самарали фойдаланилмаётир, уларда далаларни текислаш кенг авж олдириб юборилмаган, Жалолқудуқ, Қўрғонтепа, Гулистон, Бувайда ва Оқдарё районларида эса бундай ишларга ҳатто киришилмаган.

Қашқадарё, Тошкент, Самарқанд ва Сирдарё областларининг айрим хўжаликларида дарахтзорлар орасидан ўтадиган ички хўжалик суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари борки, уларни қўл кучи билан тозалаш керак. Лекин бундай хўжаликларда ана шу ишни бажаришга шу кунларда ишчи кучлари етарли сафарбар қилинмаётир. Текшириш ўтказилган кунда Оқдарё районидаги Партия XXII съезди номли колхознинг 7-бригадасида 71 кишидан 6, Гулистон районидаги Фрунзе номли колхознинг 6-бригадасида 28 кишидан 6, Бағдод районидаги «Ғалаба» совхозининг 8-бригадасида 12 кишидан 2 киши ариқ тозалашга чиқмаганлиги аниқланди. Бундай ноҳуш фактлар ишлар суст ташкил этилаётганлиги ва хўжаликлар ҳамда РАПОларнинг мутахассислари лозим даражада назоратни йўлга қўймаганликлари натижасидадир.

Республиканинг уруғлик чигит тайёрлаш билан шуғулланадиган пахта заводлари март ойи бошларигача уруғликни тозалашни тамомлаш учун тўла имкониятга эгадирлар. Шунга қарамай бу соҳада, айниқса, туксизлантирилган чигитни тайёрлашда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. 1986 йили учун 24 минг тонна туксизлантирилган чигит тайёрланиши керак. Бироқ бу борада кечикиш рўй бермоқда — ҳозиргача атиги 15 минг тонна ёки 62 процент чигит туксизлантирилди. Бу иш Қашқадарё, Жиззах областлари пахта заводларида 40-45 процент, Фарғонада атиги 20 процент ҳажмида бажарилган.

Маълумки, чигит экишидан бир ой олдин касалликларга қарши дориланиши керак. Аммо ана шу муҳим тадбирга ҳам Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида етарли даражада аҳамият берилмаётир. Уларда бу иш планга нисбатан атиги 15 процент бажарилган. Шунингдек, чигитларни дорилаш Қашқадарё областида 30, Сурхондарё областида 32, Фарғона областида 33 процент бажарилган, холос.

Тайёрланган уруғликларнинг сифати жиддий ташвиш туғдирмоқда: уларнинг атиги 60 проценти униб чиқиш сифати бўйича 1 классга мансубдир. Бухоро, Наманган ва Хоразм областларида бундай уруғликлар 80-85 процентга боради. Айни пайтда 31 проценти 3 классга, 56 проценти 2 классга ва атиги 12 проценти 1 классга тўғри келади. Пахта заводлари туксизлантирилган чигитларни албатта саралашлари керак.

Хоразм областининг Янгибозор пахта заводида хўжаликларга сифатсиз дориланган ва ҳатто дориланмаган чигитларни экиш учун бериш фактларига йўл қўйилганки, бу униб чиққан чигитни илдиз чириш ва гаммоз касалига учратиш мумкин.

Республика хўжаликлари кузги бошоқли экинлар экиш планини бажардилар. Давлат агросаноат комитети мутахассислари кузги ғалла аҳволини текшириб кўрганларида 30 минг гектарда ҳали майсалар йўқлиги маълум бўлди.

Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё ва Навоий областларида хўжаликларида кузги ғалла майдонларини озиқлантириш қониқарсиз аҳволда. Бунинг устига бу муҳим иш ниҳоятда секинлик билан бажарилмоқда. Ғалла етиштириш агротехникасининг ана шу муҳим элементига шунчалар нописанд муносабатда бўлинадиган бўлса ғалла етиштиришнинг интенсив технологиясини қўллаш ва ҳосилдорликни ошириш тўғрисида қандай гап бўлиши мумкин.

Баҳори бошоқли экинлар, беда, илдиз мевали озуқа экиш ишлари ҳам на об-ҳаво шароити қулайликларига ва на шу куннинг талабларига жавоб беради.

Бу йил деярли бир ойдан бери об-ҳаво аъло даражада бўлишига қарамай, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд ва ҳатто Сурхондарё ҳинг жанубида ҳам бамайлихотирлик ҳукм сурмоқда, ишга киришилган жойларда ҳам суръат қониқарли эмас. Ҳарорат тобора кўтарилмоқда, тупроқ юзасидаги намлик бўғланиб кетаётир, агар баҳори бошоқли ва илдиз мевали экинларни экиб олишга озгина бўлса ҳам кечикилса, далаларда ниҳолларни тўла ундириб олмаслик хавфи туғилади.

Агропромнинг ишига Озиқ-овқат программасининг бажарилиши ва аҳолининг мева-сабзавот маҳсулотлари билан қай даражада таъминланишига қараб баҳо берилади.

Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё областлари хўжаликлари қарам кўчатларини яна нормадан ортиқ экмоқдалар, эртанги сабзавот-кўкатлар: бодринг, помидор, редиска, чучук қалампир ва бошқаларни етиштириш тўғрисида қайғурмаётирлар.

Бундай иш тутиш нотўғри эканлигини тушуниб етиш вақти келди. Область ва район агросаноат бирлашмалари раҳбарлари сабзавотларни хиллари бўйича экиш ва етиштириш планларини бузаётганларга нисбатан конкрет чоралар кўришлари керак.

Техникани бадастир тайёрлаб қўйиш, экишга тайёргарлик кўриш ва уни муваффақиятли ўтказишнинг ҳал қилувчи шартидир. Умуман олганда республика техника ремонти бултургига қараганда бир оз илдамроқ бормоқда. Бироқ бу иш Қорақалпоғистон АССР хўжаликларида асоссиз равишда чўзиб юборилаётгани йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир. Негаки, автоном республикада экиш олдидан бошқа областларга қараганда катта ҳажмдаги ишларни бажариш лозим бўлади. Шунга қарамай, бу ерда ҳали 1800 ҳайдов трактори, 1209 плуг ва бошқа кўпгина техника ишлатишга тайёр эмас.

Жойларда ремонт ишларини ёмон ташкил этиш, сифатнинг пастлиги каби фактлар учраб турибди. Чунончи, Ғузор районидаги Карл Маркс номли колхозда ишлатишга тайёр деб ҳисобланган 23 та сеялка текшириб кўрилганда ҳар бирида 5 тадан 10 тагача жиддий камчиликлар топилди. Свердлов районидаги «Ленинград», Бухоро районидаги «Правда», Хатирчи районидаги «Коммунизм» колхозларида ҳам ремонтдан чиқарилган тракторларда 10 дан ортиқ қусур топилди. Бу фактлар Госсельтехнадзорнинг жойлардаги ходимлари ўз вазифаларига масъулиятсиз қараётганликлари натижасида рўй бермоқда. РАПОлар ва область агросаноат комитетлари раҳбарлари бу масалада ҳам қатъий давлат интизоми ва тартибини ўрнатишлари зарур.

Республикада беш йилликнинг биринчи йили экиш кампанияси бошланиб кетди, олдинда асосий экин—чигитни қулай муддатларда экиб олиш вазифаси турибди. Муҳим кампанияга тайёргарлик билан боғлиқ барча ишларни ўз вақтида тамомлаш, экиш кампаниясини юқори сифатли ўтказиш ўн иккинчи беш йилликда республика агропроми учун биринчи имтиҳон бўлади.

> Республика Давлат агросаноат комитети олдида бениҳоя муҳим вазифалар турибди. Бу комитет эндиликда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун бутун масъулиятни ўз зиммасига олади.
>
> (Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXI съезди материалларидан)

М. С. Горбачев нутқлари тўплами чиқарилди

ХАНОЙ. Вьетнамнинг «Шитҳат» марказий нашриёти «Вьетнам — Совет дўстлигининг кучи ва таъсирчанлиги» деган сарлавҳа остида КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг нутқлари ва докладлари тўпламини чиқарди. Тўпламни ВКП Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти КПСС XXVII съезди шарафига тайёрлаган. Китобга Совет раҳбарининг ВКП V съездида қатнашиш учун КПСС делегациясига бош бўлиб Вьетнамга борганида қилган нутқлари ва докладлари, шунингдек ВКП Марказий Комитети Бош секретари Ле Зуан бошчилигида ВСР делегациясининг СССРга қилган визити якунлари юзасидан Совет — Вьетнам декларацияси киритилган.

(ТАСС).

Корея халқининг қатъий қарори

ПХЕНЬЯН. Корея Халқ Демократик Республикасининг меҳнаткашлари ҳамиша ҳушёр турибдилар ва Америка Қўшма Штатларининг ҳар қандай игвогарликларига қатъиян зарба беришга, социализм ғалабаларини ҳимоя қилишга азм-қарор қилганлар. «Тим Спирит-86» кенг кўламдаги Америка—Жанубий Корея қўшма ҳарбий маневрларининг ўтказилишига қарши бу ерда бўлиб ўтган кўп кишилик норозилик митинги қатнашчилари шу ҳақда гапирдилар.

Митингда сўзга чиққан Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Пхеньян шаҳри маъмурият ишлари ва экономикага раҳбарлик комитетининг раиси Кан Хи Вон бундай деди: бу маневрлар Америка империализми Осиёда ўтказаётган тажовузкорлик сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, бу сиёсат оқибатида Жанубий Корея Узоқ Шарқда Пентагоннинг энг йирик ҳарбий майдони ва ядро аслаҳахонасига айланган. Шу боисдан ҳам «Тим Спирит-86» каби машқларнинг ўтказилиши Осиё хавфсизлигига, Ер юзида тинчлик ва барқарорликка очиқдан очиқ хавф солади. Кан Хи Вон тинчликсевар мамлакатлар ҳукуматлари ва халқларига мурожаат этиб, уларни «Тим-Спирит-86» машқлари ўтказилишини қоралашга ҳамда Жанубий Кореядан Америка қўшинларини олиб чиқиб кетиш ва Корея ярим оролини ядросиз зонага айлантириш учун курашаётган Корея халқининг адолатли курашига бирдамлик изҳор этишга чақирди.

(ТАСС).

Чет эллларда

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

Тинчлик ва бунёдкорлик йўлидан

КПССнинг бўлажак XXVII съезди номига Ер курраси-нинг ҳамма томонларидан юборилаётган жуда эзгу сўзлар Москвага келиб турибди. Улар орасида совет коммунистлари олий анжуманининг ишига муваффақият тилаб билдирилган истаклар ҳам, съезд қарорлари халқаро вазиятни нормаллаштиришга жуда ижобий таъсир ўтказиши ҳақидаги умид сўзлари ҳам бор.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини ҳақли равишда тинчлик байроқдори, деб атайдилар. «Урушларсиз, қурол-яроғсиз дунё — социализмнинг олий мақсади» деган сўзлар партиянинг байроғига абадий ёзиб қўйилган. Ҳозирги босқичда термоядро фалокати хавфини тугатиш инсониятнинг энг муҳим вазифаси эканлигига асосланиб ленинчи партиямиз ўзининг XXVII съезди арафасида бутун дунё олдида: XXI арсга ядро қуролисиз қадам қўяйлик, деган олижаноб шиор остида жозибадор кенг миқёсли ва бемалол рўёбга чиқарса бўладиган программани қўйди.

Совет таклифи ядро асрининг янги реалликларига асосланади, бу реаллик эса шуни билдирадики, ҳозир гап икки ижтимоий системанинг қарама-қаршилиги тўғрисидагина эмас, шу билан бирга омон қолиш ёки бир-бирини қиришдан иборат икки йўлдан бирини танлаб олиш тўғрисида ҳам бормоқда. Шу янги вазиятда халқаро хавфсизлик қуролсизланиш йўлидан олға силжиш туфайлигина таъминланиши мумкин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси жаҳон тараққиёти айни шу йўлдан бориши учун реал имкониятлар мавжудлигига асосланиб иш тутмоқда. Тинчлик кучларининг потенциали беқиёс ўсди, империализм ҳукмронлиги соҳалари муттасил торайиб бормоқда. Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар ўртасида Варшава Шартномаси ташкилоти билан НАТО ўртасида ҳарбий - стратегик тенглик ўрнатилганлиги социализмнинг тарихий ютуғи бўлди, бу эса агрессив империалист доираларнинг жаҳон ядро урушида ғалабага эришиш хусусидаги мўлжалларини чиппакка чиқарди. Мана шуларнинг ҳаммаси партиямизга янги таҳ-ирдаги Программада: «Жаҳон уруши муқаррар қисмат эмас. Урушнинг олдини олиш, инсониятни ҳалокатдан сақлаб қолиш мумкин. Бу — социализмнинг, Ер юзидаги барча тараққийпарвар, тинчликсевар кучларнинг тарихий бурчидир» деган муҳим принципиал тезисни кўтариб чиқишига имкон беради.

(ТАСС).

ҚУРОЛСИЗЛАНИШГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯДА

ЖЕНЕВА. Қуролсизланишга бағишланган конференциянинг бу ерда ўтаётган сессиясида СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Г. М. Корниенко сўзга чиқиб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг конференция қатнашчиларига мактубини ўқиб эшиттирди.

Совет раҳбарлари, деди сўнгра Г. М. Корниенко, вазиятни беҳудага чигаллаштирмаган ҳолда, айни пайтда биз ҳаммамиз бошимиздан кечираётган дақиқаларни ғоят масъулиятли, бурилиш дақиқалари, деб тўғри баҳоламоқда. Учинчи минг йиллик бўсағасида инсоният ўз тақдирини белгилаб берадиган йўлни танлаб олиши керак. Ҳозирги вақтда инсоният ўз-ўзини бутунлай йўқ қилиб ташлашга қодир бўлган воситаларга эгадир. Лекин ночорлик кайфияти ядро урушининг чиқиши муқаррар, деган тушунчалар совет кишиларига ётдир. Биз шунга аминмизки, халқаро вазиятни ривожлантиришда яхшилик сари туб бурилишни амалга ошириш учун реал имкониятлар бор. Бизнинг ишончимиз шунга асосланадики, кишилар вужудга келган хавф-хатарнинг кўлами ва характерини кун сайин чуқурроқ англаб етмоқдалар.

Ядро-космик даврининг реал воқелиги шу нарсани оддий ҳақиқатга айлантирдики, бошқаларнинг хавфсизлиги ҳисобига ёки уларнинг хавфсизлигига путур етказиш ҳисобига ўз хавфсизлигини мустаҳкамлаш мумкин эмас, таассуфки, буни ҳали ҳамма тушуниб етмаётир. Ядро асрида давлатларнинг хавфсизлиги «Ҳамма учун хавфсизлик сифатидагина мумкиндир», деб таъкидлайди М. С. Горбачев.

Бу вазифани ҳарбий-техника воситалари ёрдами билан эмас, балки фақат сиёсий воситалар ёрдамида ҳал этиш мумкинлигини ҳамманинг англаб етиши ва тан олиши халқаро хавфсизликни таъминлашга янгича ёндашишнинг бошқа бир асосий элементидир.

Совет раҳбарлари, деди пировардида нотиқ, конференцияни ғоят муҳим, ўзига хос нодир анжуман, деб ҳисобламоқдалар. Бу эса М. С. Горбачевнинг конференция номига юборган мактубида ҳам тасдиқланади. Конференциянинг ундан олдинги қуролсизланиш комитети анчагина салмоқли ишлар рўйхатига эгадир. Қипинган ишларга тегишли баҳо бериш билан бирга халқлар қуролсизланиш конференцияси тағин ҳам интенсив ва тағин ҳам самарали ҳаракат қилади, ядро урушининг олдини олишга ва ялпи тинчликни мустаҳкамлашга ўзининг самарали ҳиссасини қўшади, деб кутишга ҳақлидирлар.

(ТАСС).

«ҚОРА ОЛТИН» ЎЛКАСИ

Қувайтни — «қора олтин» ўлкаси дейишади. Бу бежиз эмас. Мамлакатнинг асосий бойлиги нефтдир. У нефть заҳаралари бўйича капиталистик мамлакатлар ичида асосий ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Йирик капиталистик давлатлар Япония, АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатлари ҳам нефтни асосан Қувайтдан сотиб оладилар.

25 февраль куни Қувайт халқи мамлакат тарихидаги шонли сана—миллий кунни нишонлайди. Форс кўрфази соҳилида жойлашган бу араб давлати бундан чорак аср муқаддам Англияга қарамликдан озод бўлиб, мустақилликка эришди. Ўтган давр давомида Қувайтнинг қиёфаси ўзгарди, равнақ топди. Бу мамлакат Яқин Шарқнинг йирик савдо марказига айланиб қолди. Бу ерда маориф, соғлиқни сақлаш системаларини ривожлантиришга ва такомиллаштиришга, миллий кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилмоқда.

Қувайт Яқин Шарқдаги можароларни тугатишни қатъиян ва изчил талаб қилиб чиқмоқда. Исроил агрессияси қурбонларига ёрдам қўлини чўзмоқда, Фаластин халқининг ўз миллий ҳуқуқларини тиклаш йўлида олиб бораётган ҳаққоний курашини қўллаб-қувватлаётир.

Совет — Қувайт алоқалари йилдан-йилга ривожланиб, мустаҳкамланмоқда. Бу алоқаларга 1963 йилда ўрнатилган дипломатик муносабатлар асос солган эди. Экономика, савдо ва бошқа соҳалардаги икки томонлама ҳамкорлик тобора кенгаймоқда.

Суратларда: Аҳмади шаҳридаги нефть музейи; Қувайт пойтахтида қурилган йирик туристик комплекс.

ТАСС фотохроникаси.



Съездга бағишлаб

МОСКВАДА ИЖОДИЙ ҲИСОБОТ

Ўзбекистон Композиторларининг асарларидан тузилган духовой музика концерти П. Холиқовнинг «Шодиёна» увертюраси билан бошланди. Концерт Москвада, Бутуниттифоқ композиторлар уйида бўлиб ўтди. Н. Морункова, С. Варелас, В. Зудов, Ҳ. Раҳимов Э. Налбантов, В. Руденко асарлари ҳам янгради. Бронетанк қўшинлари Қизил Байроқ орденли Академиясининг оркестри муаллифлар сўнгги йилларда ёзган ҳарбий-ватан парв арлик мавзуидаги маршлар, сюиталар, қўшиқларни ижро этди. Ижодкорлар иштирокидаги музикали кеча КПСС XXVII съезди арафасида республика композиторларининг ижодий ҳисоботи бўлди.

(ЎзТАГ).

МЕҲНАТ АҲЛИГА ҚАСИДА

КПСС XXVII съездига бағишланган кўргазмага қўйилган Ўзбекистон ёш рассомларининг асарларида иш кунларининг сурури ва она юрт гўзаллиги тараннум этилади. Кўргазма 21 февраль куни Тошкентдаги «Илҳом» клубида очилди.

Ёш рассомлар беш йиллликнинг улуғвор нафаси уфуриб турган ерларда ижодий сафарларда бўлдилар. Расмларда Бутуниттифоқ зарбдор комсомол қурилиши, деб эълон қилинган Жиззах ва Қарши даштларининг пахтакорлари, Бекобод металлургия комбинати, Қорақалпоғистон чўпонлари, Нуробод боғбонлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Асарларнинг қаҳрамонлари орасида Афғонистонда ўзининг интернационал бурчини адо этаётган мард жангчилар (Д. Раҳмонов), учинчи минг йилликда яшаб, меҳнат қиладиган болалар портретлари (Р. Ерметов асарлари) бор.

Ҳайкалтарошлардан М. Бородина, С. Латипов, А. Маҳкамов асарлари ҳам меҳнаткаш инсонга қасидадек янграйди.

Кўргазмада манзарали — амалий санъат намуналари ҳам намойиш этилмоқда.

(ЎзТАГ).

Жиззах районидаги Энгельс номли совхоз маданият уйи қошида «Қалдирғоч» ҳаваскорлик ансамбли ташкил этилган. Ҳаваскорлар меҳнаткашлар ҳузурида ўз санъатларини намойиш қилмоқдалар.

Суратда: ансамбль иштирокчилари репетиция пайтида.

Ш. ТЎРАЕВ фотоси.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ЧИНИҚҚАНГА ЧАНГ ЮҚМАС

ИНСОН ИМКОНИЯТЛАРИ ЧЕКСИЗ

Москвадаги Н. И. Пирогов номли 2-медицина институти врачлик назорати, даволаш физкультураси ва жисмоний тарбия кафедрасининг мудири, медицина фанлари доктори, профессор Афанасий Чоговадзе АПН мухбирининг саволларига жавоб беради.

— Машқ жараёнида спортчининг жисмоний фаолиятини баҳолаш, назорат қилиш ва ёрдам кўрсатиш борасида спорт медикларининг асосий вазифаси нималардан иборат?

— Даволаш физкультураси диспансерлари мамлакатимизда спорт медицинасининг асосий омилларидан ҳисобланади. Бундай стационар диспансерлар яхши жиҳозланган шифохоналар сирасига киритилган ва уларда спортчиларнинг саломатликларини текшириш ва даволаш учун барча имкониятлар яратилган. Мамлакатимизда жами 600 дан зиёд даволаш физкультураси диспансерлари фаолият кўрсатмоқда. Яқин йиллар ичида уларнинг сони янада кўпайиши кўзда тутилган. Авваллари бундай муассасалар кўпроқ йирик шаҳарларда ташкил этилар эди. Ҳозир эса деярли ҳар қайси қўнгилли спорт жамияти ўз диспансерига эга.

Спортга ихлос қўйган йигит-қизлар дастлабки қадамларини врач билан мулоқотдан бошлайдилар. Боиси медицина рухсатномасисиз спортчилар ҳеч бир машғулотларга қўйилмайди. Кишиларнинг спорт соҳасидаги кейинги фаолиятларини ҳам врачлар назорат қиладилар. Албатта, кишилар саломатликларини тиклашлари, спорт майдонига йўл олишларида врачларнинг хизматлари беқиёсдир.

Тренерлар қатори машғулотлар самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган спорт врачининг роли алоҳида аҳамиятга эга. Врач спортчи организмидаги функционал ҳолатни аниқ баҳолай билиши, унга топширилган вазифанинг оз-кўплиги, оғир-енгиллигини аниқлаши ва имкониятларга мос маълумотларни тренерга таклиф этиши зарур. Менимча, машқларнинг оғир-енгиллиги хусусида аниқ фикр билдириш тренердан кўра врачга кўпроқ аён бўлса керак. Чунки спортчи-ю тренерлар одатда маълум мақсад сари интилувчан, аксарият ҳолларда ўзлари ёқтирган спорт турига берилувчан кишилардир. Юксак спорт натижалари ортидан қувиш эса маълум даражада ашаддий ишқибозликдир. Бундай кезларда врачлар тренер ва спортчиларни босиқ ва вазминликка даъват этиб турадилар.

— **Бундай қилиш билан спорт врачи жадал машғулотлар жараёнини сустлаштирувчига айланиб қолмасмикан?**

— Ҳар қалай бундай баҳолаш ўринли бўлмас. Спорт врачининг вазифаси машғулотлар оғир ё енгиллигини кузатиш, замонавий изланиш усулларидан қўлланиш ва расамади билан бошқаришдан иборат. Ахир иқтидорли спортчининг машқини тобига етказиш, баҳсга шайлаш осонмас. Бунинг устига унинг ҳолатидаги арзимас функционал ўзгаришлар ҳам ҳисобга олинади.

Умуман, спортчининг организмни ташқи муҳитга таъсирчан бўлади. Жумладан, машқи етук спортчиларда баъзи касалликлар оғир кечишини мутаҳассислар яхши билишади. Ваҳолонки, чиниққан, жисмоний бақувват спортчи касалликни енгишда бошқалардан фарқ қилиши даркор. Афсуски, амалда аксинча бўлади. Спортчиларнинг юқумли касалликлардан форуғ бўлишлари оғир ва узоқ давом этади. Нега шундай? Чунки жисмоний машқ қилиб юрмаган кишиларда касаллик аломатлари тезроқ пайдо бўлади ва врачлар зарур даволаш йўли билан мақсадга эришадилар. Бундай ҳолат эса спортчи организмида дарҳол намоён бўлмайди. Касаллик қўзғатувчи микроблар билан чиниққан организм кураши аносида касаллик устун келгани сари спортчининг умумий ҳолатида врачлар сезса бўладиган аломатлар кўрина бошлайди. Спортчиларнинг бетоблиги оғир кечиб, даволашда бир замонлар ўтиб кетди. Бор-ди-ю бундан 30 йил аввал спортчиларнинг шу кунларда эришаётган рекордлари ҳақида фикр билдирилганда, уни хом хаёлликка йўйишган бўларди.

Албатта, лангар билан сакрашда шарт-шароитнинг етарли экани кўпроқ аҳамиятга эга, дейишади. Мутахассис сифатида шуни таъкидлашим керакки, инсон организми ва уни ҳаракатга келтирувчи омилларни такомиллаштириш имкониятлари чексиздир. Меъёр ва маромга риоя қилган ҳолда муттасил олиб борилган машқлар маълум вақтдан кейин табиий физиологик қонуниятларнинг мос морфологик ўзгаришларда инсондаги янги имкониятларни юзага чиқаради. Бундай ўзгаришлар бир қарашда кўзга ташланмаса-да, уларнинг мавжудлиги кейинги авлод ёшларида кўринади ва генетик жиҳатдан мустаҳкамланиб боради. Янги авлод спортчилари эса юксак марраларни кўзлаб стартга чиқаверадилар. Бу билан 20 йил аввалги рекордлар бугунги кунда шунчаки оддий натижалар бўлиб қолади.

— **Спорт врачи сифатида ўзингиз ва ҳакасбларингиз учун энг муҳим вазифа нималардан иборат, деб ўйлайсиз?**

— Бизнинг давримизда спортга дахлдор барча кишилар ўз фаолиятларидаги асосий мақсадни олдиндан кўзлай биладилар. Албатта, катта спорт, чемпионлик ва рекордлар учун кураш қизиқарли ва мароқли. Зотан, асосий гап бунда эмас. Агар спортчилар учун энг юксак натижаларга эришиш асосий вазифа бўлса, оммавий физкультура инсон ҳаракат фаолиятини ҳамда саломатлигини мустаҳкамлаш, меҳнат қобилиятини оширишда кенг имкониятлар яратади.

Шу боисдан жисмоний тарбия билан шуғулланувчи ҳар бир киши ўзи учун ос бўлсада завқ-шавқ уйғотадиган маромни вужудга келтиришга ҳаракат қилади. Бу борада спорт врачларининг раҳнамо бўлгани маъқул. Машқ учун оғирроқ вазифаларни танлаш эмас, балки ўз танамизни осонгина бошқара олишимиздан завқланиш — жисмоний тарбиянинг мақсадидир. Биз мамлакатимизда жисмоний тарбия билан шуғулланувчиларнинг оз ё кўплигига эътироз билдиролмаймиз. Аммо аҳолини физкультура машғулотларига янада кўпроқ жалб этиш борасида бугунги кун талабларидан орқада эканлигимизни эътироф этишимиз керак. Шунга эришиш лозимки, мамлакатимизнинг ҳар бир граждани ҳафта мобайнида жами 8-10 соатли бўш вақтини стадион ва спорт майдонларида ўтказадиган бўлсин. Бундай вазифани адо этишда спорт ташкилотлари-ю врачларига осон тутиб бўлмайди. Зеро, юз миллионлаб кишилар саломатлигини муҳофаза этиш ва мустаҳкамлаш, шахсни уйғун камол топтиришдек фахрли вазифани бажаришимиз лозимлигини унутмаслигимиз керак.

Л. СТАРОСЕЛЬСКИЙ.

Бубканинг 6 метр, Игорь Паклиннинг 241 сантиметрли марраларни эгаллашлари спорт оламини ҳайратга солди. Бундай муваффақиятларга эришишда спортчи жисмоний имкониятларининг чегараси борми?

— Томошабин ва мухлис сифатида шуни эътироф этишим керакки, мен ҳам кўпчилик қатори рекордчиларнинг маҳоратларига таннолар айтаман. Баландликка сакровчиларнинг 2 метру 20 сантиметр, лангар билан сакровчиларнинг 5 метрли маррадан ўтишларига ақл бовар қилмайди деган

МАҲОРАТНИ ОШИРИБ

Автомотоспорт бўйича Тошкент область болалар-ўсмирлар спорт-техника мактабининг тарбияланувчилари республика ва область мусобақаларида муваффақиятли иштирок этмоқдалар. Мазкур мактаб пойгачиларидан ташкил топган пойтахт области терма командаси республика биринчилигида ғалаба қозонди, картингчилар эса Тошкент области чемпионатида фахрли учинчи ўринни олишди.

Спорт-техника мактабида бўлажак пойгачилар учун барча шароит яратилган. Улар кун сайин маҳоратларини оширишяпти. Тажрибали устозлар уларга яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда. Мотокросс бўлимида 110, картинг бўлимида эса 190 ўқувчи шуғулланмоқда. Улар орасида разрядли спортчилар ҳам бор.

Суратда: картинг бўйича тренер А. Трёкин шогирди В. Солдатов мусобақага тайёргарлик кўряпти.

Ф. Қурбонбоев фотоси (ЎзТАГ).

Альпинизм

«КОММУНИЗМ» ЧЎҚҚИСИДА

Совет альпинистлари ажойиб жасорат кўрсатдилар. Денгиз сатҳидан 7495 метр юксакликдаги «Коммунизм» чўққиси қиш шароитида муваффақиятли забт этилди. «Дунё томи» деб юритилувчи тоғдаги бу чўққига жами 24 альпинист (шундан 17 нафари СССР терма командасининг аъзоси, қолгани Ўзбекистон забткорлари) чўққига байроқ тикдилар. Альпинистларнинг бу ғалабаси КПСС XXVII съездига бағишланди.

— Энг моҳир ва тажрибали альпинистлардан ташкил топган терма команда аъзолари забткорликка ҳозирликни халқаро «Духоба» лагерида бошлашди, — дейди етти минг метрли чўққилар туркумига кирувчи Ленин номли, «Ғалаба» ва «Коммунизм» каби юксакликларга кўтарилган спорт мастери Вячеслав Воронин. — Республикамиз альпинистларига география фанлари кандидати, спорт мастери Вадим Эльчибеков бошчилик қилди.

«Коммунизм» чўққисига кўтарилиш ўн йиллик танаффусдан кейин қишки мавсумда яна амалга оширилди. Ўн кун давом этган чўққи сари интилиш муваффақиятли якунланди. Юксак чўққига ғалаба байроғи қадалганда альпинистлар етакчиси В. Эльчибековнинг йигитлари — спорт мастерлигига номзодлар Асқад Фахриддинов, Константин Раҳматуллаев, Анатолий Лябин, Юрий Сипицин, Станислав Сергеев ва команда врачи Борис Абрамовлар саф тортдилар.

К. МУСАМУРОДОВ.

ЯНГИЛИКЛАР

АТЕИСТЛАР МАКТАБИ

Тошкент политехника институтида атеистлар мактаби мунтазам ишлаб турибди.

Яқинда самолётсозлик факультетида атеистик мавзуга бағишланган конференция ўтказилди. Талабалар «Диний урф-одатлар ва уларнинг ақибатлари» мавзуида доклад тингладилар. Сўзга чиққан аёрим студентлар ҳанузгача сақланиб келаётган диний урф-одатлар, уларнинг зарари ҳақида гапирдилар. Бундай диний ақидаларнинг тугатилишида комсомол-ёшлар, касаба союз ташкилотлари ролини янада ошириш лозимлиги хусусида алоҳида тўхталдилар. Конференция қатнашчилари ўзларини қизиқтирган талай саволларга жавоб олдилар.

У. ИСРОИЛОВ, Г. МАМАТҚУЛОВ.

ЗИЁ МАСКАНИ

Хурсандой Акбарова салкам йигирма йилдан бери Самарқанд районидаги «Боғизоғон» совхози марказида жойлашган кутубхонага мудиралик қилади. Шу йиллар мобайнида китобхонлар сони қарийб етти марта кўпайди.

Дастлабки йиллари тўрт минг нусха китоб фондига эга бўлган кутубхонада эндиликда ўн беш мингга яқин бадиий, сиёсий адабиётлар, жаҳон классикларининг асарлари мавжуд. Китоб шинавандалари уларни қизиқиш билан мутолаа қилишмоқда. О. Қаюмов, Ш. Сатторова, Н. Азизова сингари китобхонлар ёрдамида зиё масканида қизиқарли конференциялар, мароқли учрашувлар ўтказиб турилади. «Партия қарорлари — ҳаётга», «СССР Озиқ-овқат программаси — халқ фаровонлиги асоси», «Ичкиликбозлик-иллат» каби стендлар ташкил этилган.

Т. МУЗАФФАРОВ.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ УЧУН

Наманган шаҳридаги ҳар икки мактабдан бирида тиш даволаш кабинетлари ташкил этилган.

Область марказидаги болалар тиш даволаш поликлиникасидаги даволаш ишларининг олтмиш, профилактика ишларининг эса саксон процента шундай кабинетлар ҳиссасига тўғри келади. Замонавий стоматологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган мазкур кабинетларда малакали шифокорлар тиббий хизмат кўрсатишаётир. Болалар ўртасида кўп учрайдиган оғиз бўшлиғи касалликларини даволаш ва уларнинг олдини олиш мақсадида диагностика, даволаш-профилактика ишлари амалга оширилмоқда.

Р. УММАТОВ.

* * *

Шунингдек, газетхонлардан **Т. Қулманов** (Самарқанд), **Т. Эргашев** (Андижон), **Н. Тўраев, П. Бозоров** (Сурхондарё), **А. Муқимов,** (Фарғона), **М. Атакишев** (Тошкент) ва бошқалар редакциямизга турли мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ
1986 ўқув йилига

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ САВДОНИНГ ҚУЙИДАГИ СОҲАЛАРИ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ:

барча профилдаги озиқ-овқат ва саноат товарлари бўйича юқори малакали контролёр-кассир ва сотувчилар.

Бу группаларга 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган ўрта маълумотлилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади. Ўқиш муддати 6 ой. Уни битирганларга «Контролёр-кассир» ёки «Сотувчи» ихтисоси берилади.

Шунингдек, озиқ-овқат ва саноат товарлари бўйича кичик сотувчилар тайёрлайдиган группаларга тугалланмаган ўрта (8,9-синф) маълумотли, 15 ёшдан 25 ёшгача бўлганлар ҳам кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади. **Ўқиш муддати — 8 ой.**

Контролёр-кассир ва кичик сотувчилар тайёрлайдиган группаларнинг тингловчиларига ҳар ойда 54 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади.

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ БАРЧА ГРУППАЛАРИГА РЕСПУБЛИКАМИЗ ШАҲАРЛАРИДА ЯШАЙДИГАНЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

МАШҒУЛОТЛАР ҲАР БИР ГРУППА КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Республика ўқув-курс комбинатининг барча группаларига ҳужжатлар қабул қилиш, шунингдек группаларда ўқиш бутун йил давомида, узлуксиз равишда олиб борилади. Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

МАШҒУЛОТЛАР РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Тингловчилар шаҳарнинг энг яхши савдо корхоналарида — Тошкент Бош универсал магазини — ГУМда, Тошкент шаҳридаги «ГАСТРОНОМ» магазинларида практика ўтказадилар.

Ўқув-курс комбинатининг барча группаларига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар-жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, характеристика.

Республика ўқув-курс комбинатининг адреси: Тошкент шаҳри, 700173, Акмал Икромов райони, Чилонзор массиви, Бобур кўчаси, 3-уй (13, 16-автобусларнинг «16 медицина ёрдами касалхонаси», 4 ва 9-трамвайларнинг «Чўпонота» бекатлари). Телефон 78-44-30.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИНИНГ

16-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1986—87 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТЎҚУВЧИ, ЙИГИРУВЧИ, ПИЛИКЛОВЧИ, КАЛАВАЛОВЧИ.

Ўқиш муддати 1—3 йил.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган қизлар қабул қилинадилар.

Ўрта маълумот билан ўқишга кирганларга ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади. 8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганлар бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида маошнинг 50 проценти ўқувчиларга берилади.

Билим юртини тугатганларга касб эгаллаганлиги ҳамда ўрта маълумот олганлиги тўғрисида диплом берилади.

Билим юртини яхши баҳолар билан тугатган ўқувчилар ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўқиш учун йўлланма оладилар.

Ўқиш муддати иш стажига киради.

Машғулотлар яхши жиҳозланган кабинетларда олиб борилади.

Билим юртида бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, спорт секциялари, бичиш-тикиш ва тўқиш тўгараклари мунтазам ишлайди. Тўқимачилик комбинатида ўқувчиларнинг дам олишлари ва соғлиқларини мустаҳкамлаш учун ҳамма шароитлар яратилган. Корхонада маданият саройи, профилакторий, дам олиш зонаси ва кечки техникум мавжуд.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка.

Билим юрти адреси: 700100, Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, А. Қаҳҳор кўчаси, 34-уй (2, 3, 32, 80, 97-автобусларнинг «16-ўрта ҳунар-техника билим юрти» бекати).

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

1 МАРТ СОАТ 19.30 ДА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган

«БАҲОР» ДАВЛАТ ХАЛҚ РАҚС АНСАМБЛИНИНГ Катта концерти

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

Маъмура ЭРГАШЕВА

Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати

ҚАҲРАМОН ДАДАЕВ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

АҲМАДЖОН ШУКУРОВ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: ГУЛЧЕҲРА ФОЗИЛЖОНОВА, УҒИЛОЙ МУҲАМЕДОВА ва ансамблнинг етакчи солистлари.

Ансамблнинг бадиий раҳбари — СССР халқ артисти ҚУНДУЗ МИРКАРИМОВА.

Ансамблнинг музика раҳбари — Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР давлат мукофотининг лауреати БАХТИЁР АЛИЕВ.

Билетлар сотилмоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти коллективи таржима секторининг собиқ катта илмий ходими, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими

Эргаш БАДАЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент халқ хўжалиги институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари сиёсий иқтисод кафедрасининг катта ўқитувчиси Д. Тожибоевага онаси

Зуҳра ОЛМАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти коллективи илмий ходим, физика-математика фанлари кандидати А. Муҳаммадиевга ўғли

Суннат МУҲАММАДИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

23 ФЕВРАЛЬ, ЯКШАНБА

Тингланг, томоша қилинг

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.45 — Ритмик гимнастика. 10.15 — «Спортлото». 10.25 — «Будильник». 10.55 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.55 — «Тонгги почта». 12.25— «Саёҳатчилар клуби». 13.25 — «Музикали киоск». 13.55 — «Қишлоқ янгиликлари». 14.55 — «Сизга манзур адабиётлар». 15.40 — Ҳужжатли фильм. 16.35 — «Бугун — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни». 16.50 — Концерт. 18.30 — «Халқаро панорама». 19.15— «Биринчи отлиқ армия». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 21.30 — «Время». 22.05 — Концерт. 22.50 — Енгил атлетика. Европа чемпионати. 23.20 — Конькида югуриш. Жаҳон чемпионати. 23.50 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — «Зарядкага сафланинг!». 9.15 — «Агар душман таслим бўлмаса...». Бадиий фильм. 10.35 — Концерт. 11.10 — «Онамларнинг мактаби». 11.40 — Ленинград телевидение студиясининг программаси. 13.05 — «Директор». Бадиий фильм. 2-серия. 14.20— «Голиблар». 15.35 — «Рус тили». 16.05 — «Нима? Қаерда? Қачон?». 17.20 — «Космос орқали диалог». 18.35 — «Хонадонингиздаги гуллар». 18.55 — «Жаҳон музика маданияти хазинасидан». 19.30 — «Ҳайвоноқ оламида». 20.30 — «Ҳайрли тун, кичкинтойлар». 20.45 — Биатлон бўйича жаҳон чемпионати. 21.30 — «Время». 22.05 — «Автомобилдан сақланинг». Кинокомедия.

ТОШКЕНТ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — «Тонгги тароналар». 8.00 — «Салом, кичкинтойлар». 8.15 — Телефильм. 8.30 — «Ахборот». 8.50 — Ҳужжатли фильм. 9.00 — «Время». 9.40 — «Виргалиқда куйлаймиз». 10.00 — «Истеъдод». 10.20 — «Сиз севган қаҳрамонлар». 11.20 — «Ўзбекистон спорти». 11.50 — «Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида». 12.20 — «Қувноқ стартлар». 13.20 — «Оналар мактаби». 13.50 — «Зарница-86». 14.30 — Ҳужжатли фильм. 14.50 — «Маршал Жуков». Спектакль. 17.00 — Хоккей. СССР чемпионати. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Оламга саёҳат». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Ҳаётим — Армия!». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-II. 14.55 Қирғизистон телевидениесининг программаси.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Концерт. 9.15 — «Табассум». 10.15 — «С добрым утром!» 11.30 — «Оҳангга тўлсин диёр» қўшиғи ўргатилади. 11.50 — «Тинч меҳнат посбонлигида». 12.10 — «Ишчинома». 13.00 — «Чорвадор». 13.30 — Музикали программа. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.01 — Москва. «Давр, воқеалар, кишилар». 15.40 — «Нон» (радиопостановка). 16.40 — Концерт. 17.00 — «Сиз севган қўшиқ». 18.15 — «Фан уфқлари». 18.30 — «Дўстларимиз эстрадаси». 19.25 — «Ёшлик». 21.00 — Халқаро кундалик. 21.10 — «Табассум». 22.30 — Концерт. 23.30 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.



Редакция адреси: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53 16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.